Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1999 йил 7 август, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 64 (7157)

Da'vat

Қувонч ўткинчи, Мустақиллик абадий!

Ibrat

Фарғона туманидаги «Чимён» парранда гўшти ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти (раҳбари Набижон Жўрабоев) ўз оталиғидаги 28-ўрта мактабга ўтган ўқув йили давомида турли таъмирлаш ишлари учун бир ярим миллион сўм маблағ сарфлади. Бундан ташқари бир дона «IBM» компьютери ҳам сотиб олиб берди.

БАРКАМОЛ АВЛОД — МИЛЛАТИМИЗ КЕЛАЖАГИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақияти, ҳар томонлама баркамол ёш авлодни тарбиялаш кўп жиҳатдан таълим тизимини жаҳон андозалари ва замон талаблари даражасига кўтаришга боғлиқ. Юртбошимиз ташаббуси билан қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий мақсади ҳам ана шунга қаратилган. Шу ўринда чуқур билимга эга ёшларни, юртимизнинг келажагини таъминлайдиган мутахассисларни тайёрлашга хизмат қиладиган академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари қурилиши, уларнинг замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланиши муҳим аҳамият касб этади.

Тошкентдаги "Ўзэкспомарказ"да Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази томонидан ташкил этилган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини жиҳозлаш учун режалаштирилган намунали ўқув хоналари, устахоналар, кўргазмали ўқув қуроллари ва тренажёрлар кўргазмаси бу борадаги ишларни янада ривожлантиришга қаратилган.

4 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мазкур кўргазма билан танишди.

Кўргазмадан информатика, хорижий тиллар, физика, биология-анатомия, автомобиллар тузилиши, она тили ва адабиёт ўқув хоналари, тикувчилик, телерадиоаппаратуралар ва ускуналарни монтаж қилиш лабораториялари, лицей ва коллеж ўқувчилари учун кийимлар намуналари ўрин олган.

Информатика ўқув хонасини кўздан кечириш чоғида, давлатимиз раҳбари XXI аср — информатика асрида бу фанни кенг ўқитиш, ўқув юртларини компьютерлар билан жиҳозлаш катта аҳамият касб этишини таъкидлади. Бироқ, энг асосий муаммо бундай техникани ёшларга ўргатадиган ўқитувчиларнинг етишмаслиги, деди Президент. Компьютерларни олиб келиш, педагогларнинг малакасини ошириш билан бир қаторда, бу янги фанлар бўйича ўзбек тилидаги дарсликларни, ўқув қўлланмаларни нашр этиш керак. Пировард мақсад эса, фарзандларимизни замонавий техникани мукаммал эгаллаган етук мутахассислар қилиб тайёрлашдир.

Чет тиллари хонасида ўқувчилар билан суҳбат вақтида Ислом Каримов таржимонлик масъулиятли ва шарафли касб эканини айтиб, хорижий тилларни ўқитишни ўзбек тилидаги дарсликлар бўйича олиб бориш, таълим жараёнини ўзбек тили асосида ташкил этиш лозимлигини уқтирди. Бунинг учун эса, ўқувчининг фикрлаши ўзбек ва хорижий тилда бўлиши, эски даврдагидек ўртада бошқа тил воситачилик қилмаслиги зарур. Шу йўл билан она тилимизни халқаро майдонга тенг ҳуқуқли тарзда олиб чиқишимиз мумкин бўлади.

— Амир Темурни бутун дунё танийди, энди унинг халқи тилини ҳам жаҳон танисин, — деди Президент.

Йўлбошчимиз "Ўзбекенгилсаноат" уюшмаси корхоналарида лицей ва коллеж ўқувчилари учун ишлаб чиқарилган кийимларнинг

намуналарини кўздан кечирди. Бу либослар йигит-қизларимизнинг кундалик ҳаёти, республикамиз иқлим шароити учун мос, миллий анъаналаримиз шаклига монанд, айни пайтда қулай ва содда бўлиши кераклигини қайд этди.

Она тили ва адабиёт хонаси билан танишув чоғида, Ислом Каримов замонавий ўқув қуроллари билан бирга, ёшларга мумтоз адабиётимизни, жумладан, Алишер Навоий ижодини содда ва аниқ тарзда тушунтириб берадиган китобларни кўпайтириш, бебаҳо мероснинг ҳар бир дурдонасини ўқувчи онгига етказиш муҳимлигини таъкидлади.

Автомобиллар тузилишини ўргатиш хонасида эса давлатимиз раҳбари Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Че Ёнг Ха билан суҳбатлашиб, ўқув жараёнига кореялик мутахассисларни жалб этиш, синфларни кўргазмали қуроллар билан жиҳозлашда ҳамкорликни йўлга қўйиш ўзаро манфаатли эканлигини айтди.

Шунингдек, Юртбошимиз кўргазмадан ўрин олган бошқа хоналарни ҳам кўриб, уларнинг тузилиши, жиҳозлари, ўқитишни ташкил этиш юзасидан ўз таклифларини билдирди.

— Мазкур кўргазмани ташкил қилишдан мақсад — фарзандларимиз камолоти учун амалга ошираётган ишларимизни баҳолаш, камчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш, сўнгра бундай синфларни бутун мамлакатимизга жорий қилишдир,— деди кўргазма билан танишув ниҳоясида Президент Ислом Каримов. — Бунда энг асосий масала мана шундай ихтисослашган синфларда таълим бера оладиган мутахассислар тайёрлашдан иборат. Агар улар бўлмаса, бу ускуналар фақат экспонатлигича қолади, эзгу ниятларимизнинг обрўси йўқолади.

Халқимиз Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурнинг эртанги кунимиз, турмушимиз фаровонлиги, ижтимоий-сиёсий барқарорлик, умуман, тараққиётимиз учун аҳамиятини тушунянпти. Шундай экан, биз учун режалардан амалий ишларга ўтиш даври келди.

Муҳташам билим масканлари қуриш мумкин, аммо ундаги синф хоналарини замон талаблари даражасида жиҳозлаш билан бирга, янги ўқув технологияларини жорий қилиш муҳимдир. Яна бир бор таъкидлайман, болаларимиз учун ҳар қанча куч ва маблағ сарфласак — оз, зеро, улар келажагимизнинг бунёдкорларидир, деди давлатимиз раҳбари.

Кўргазма билан танишувда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Т.Алимов, Т.Рисқиев, Президент девони Ахборот тарғибот-таҳлил маркази раҳбари С.Ҳакимов, Бош вазир ўринбосарлари А.Исаев, Ҳ.Кароматов, М.Усмонов, Б.Ҳамидов, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов иштирок этди.

Беҳзод УСМОН (ЎзА)

СУРАТДА: академик лицей ва коллежлар бўйича кўргазма билан танишиш пайти.

А. ТЎРАЕВ олган сурат.

JUMLADA JAHON

• Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовга Хоразм вилояти, Урганч тумани Гайбу қишлоғида истиқомат қилаётган туркман миллатига мансуб фуқароларимиз мактуб йўллаб, юртимизда тенглар ичра тенг яшаб, меҳнат қилаётганликлари, ўз маданияти, тили ва урф-одатларига кўрсатилаётган юксак эътибор учун миннатдорчилик изҳор этишган.

• Олий Мажлис Раиси Эркин Халилов бошчилигидаги Парламентимиз депутатларидан иборат гуруҳ Бухоро вилоятида бўлиб, ислоҳотлар бориши, ёшларга яратилаётган шарт-шароит ва шу каби бир талай масалалар билан танишишди.

• Мамлакатимизда меҳмон бўлишган «Кейс Европа» компанияси президенти Леопольд Платтнер раҳбарлигидаги делегация аъзоларининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қилган ташрифи чоғида ушбу компаниянинг Ўзбекистон қишлоқ хўжалик машиналарини ишлаб чиқариш соҳасига сармоя киритиши бўйича битим имзоланди.

• Индонезиянинг Шарқий Тимор ўлкасига бўлажак референдумда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлганларни рўйхатга олиш ва сўровлар ўтказиш мақсадида киритилган БМТ миссияси мандати Кофи Аннаннинг илтимосига биноан, БМТ Хавфсизлик Кенгаши қарори билан бир ойга узайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ 1999 йилда республикамизда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими учун илк бор янги қурилиш ва тубдан реконструкция қилиш ҳисобига топширилаётган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини сифатли қабул қилиш ҳамда 1999/2000 ўқув йилигача тантанали очиш мақсадида:

1. Ишга киритилаётган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини қабул қилиш Давлат комиссияси тасдиқлансин.

2. Давлат комиссияси жойлардаги ишчи комиссиялар билан бирга:

ўз ишида академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари қурилиши ва давлат таълим стандартлари даражасида жиҳозланишига тааллуқли Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 1 июлдаги топшириқлари баённомасига қатъий амал қилсин;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан биргаликда янги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини мамлакатимиз ҳудудлари бўйича қабул қилиш аниқ иш режасини бир ҳафта муддат ичида ишлаб чиқсинлар ва ўқув йили бошланишига қадар амалга оширсинлар.

3. Белгилаб қўйилсинки, янги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг ишга киритилиши республикамизда босқичма-босқич амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг юксак амалий натижаси бўлиб, уларнинг очилиши мамлакатимиз ҳаётида муҳим воқеа сифатида тантанали ўтказилади.

Уларнинг тантанали очилишини ташкил этиш, моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш ҳамда тарғиб қилиш мақсадида махсус Гуруҳ тузилсин ва унинг таркиби тасдиқлансин.

Мазкур Гуруҳ, ҳудудлар раҳбарлари билан биргаликда, жойларда академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини тантанали очсинлар ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълим турининг моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчилик, айниқса, педагоглар ва ўқувчи ёшлар ўртасида атрофлича тушунтириш ва тарғиб қилишни таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим, Соғлиқни сақлаш, Маданият ишлари вазирликлари манфаатдор идора ва ташкилотлар билан биргаликда 1999/2000 ўқув йилигача янги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини меъёрий ва ўқув-услубий ҳужжатлар, дарсликлар ҳамда малакали педагогик кадрлар билан таъминласинлар.

5. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 1999 йилда очилган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг махсус жиҳозланган ўқув хона ва лабораторияларида ўқув жараёнини сифатли ташкил этиш, мавжуд техник воситалардан самарали фойдаланиш, педагоглар ва ёрдамчи-техник ходимларни олдиндан мақсадли тайёрлаш учун 10 кун муддат ичида юқори малакали, тажрибали педагог ва мутахассислардан иборат махсус ишчи гуруҳларни тузсин ҳамда уларнинг фаолиятини жойларда ташкил этсин.

6. Янги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини қабул қилиш жараёни ҳамда уларни тантанали очиш маросимлари оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиб борилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1999 йил 6 август.

ДИЁРАНИНГ "ҲАВО ШАРИ" ДУНЁ КЕЗАДИ

Faxr

Ажойиб хушхабар олдик: пойтахтимиздаги 110- мактабнинг 3-синф ўқувчиси Диёра Ҳасанова Вашингтон шаҳрида АҚШ «Болалар санъати 2000» халқаро фестивалида жуда катта муваффақият қозониб қайтиб келибди.

— Мен қизимиз тўрт ёшга тўлгач, уни расм чизишга қизиқишини, санъатнинг бу турига интилаётганини дилдан хис қилдим. Дадаси билан маслаҳатлашиб, 1995 йилда қизимиз Диёрани Республика болалар бадиий ижодиёти марказининг тасвирий санъат бўлимига олиб бордим. Бизни марказнинг бошлиғи Санобар Шодиева кутиб олди. Мен мақсадни айтганимда улар марказнинг тасвирий санъат студияси раҳбари Ҳикмат Жалилов билан учраштирдилар. Улар Диёрадаги тасвирий санъатга қизиқишни то шу кунга қадар ривожлантириб, рассомчилик сирларини ўргатиб келмоқдалар. Натижа ёмон эмас, мактабда ҳам энди 2-синфда ўқиши керак эди. Муддатидан олдин режаларни ўзлаштиргани учун 1-синфдан 3-синфга ўтиб ўқимоқда. Эришган муваффақиятлари учун аввало болага оилада тинчлик, яхши муҳит, шароит бўлиши керак эди. Биз бунинг учун ҳаракат қилдик, ҳамиша устозлари ўгитларини эътиборга олдик. Эндиликда республикамизда мана шундай ёшларнинг ўсиб-улғайиши учун ғамхўрлик қилган президентимизга, қолаверса, фарзандимиз истеъдодини рўёбга чиқишида ёрдам бераётган Республика болалар ижодиёти маркази жонкуярларига ташаккуримни билдираман – дея ҳаяжонларини изҳор этди биз билан суҳбатда Диёранинг онаси Нигора опа.

Республика болалар бадиий ижодиёти марказининг раҳбари Санобар Шодиева эса марказнинг фаолияти ва Диёранинг рассомчиликка бўлган қизиқиши ва эришган муваффақиятлари ҳақида қуйидагиларни гапириб берди.

— Ҳозирги кунда марказимизда республикамизнинг турли вилоятларидан 500 дан зиёд санъатнинг турли йўналишлари бўйича иқтидорли ўқувчилар қатнашадилар.

Мавжуд 18 та студия қатнашчилари халқаро конкурсларда ҳам ўз ўринларини олмоқдалар. Масалан, Ҳиндистонда бўлиб ўтган санъат кўргазмасида Нурали Бобомуродов Жавоҳарлал Неру мукофотини олган бўлса, Японияда бўлиб ўтган танловда Наташа Анисомова кумуш медал билан тақдирланди.

(Давоми 4-бетда)

Ўқитувчи ёқи дафтарига

ИЛК БОР

Ўзбекистонда илк бор илондан заҳар олиш 1936 йилда Тошкент ҳайвонот боғида амалга оширилган. Шу вақтдан бошлаб пойтахтимизда илон заҳри биохимиясини ўрганиш юзасидан илмий-тадқиқот ишлари ҳам бошланган. Мамлакатимиздаги биринчи илонхона 1960 йилда (Тошкентда) ташкил этилган бўлиб, ҳозирда мавжуд илонхоналарга ҳар йили минглаб илонлар тутиб келтирилади.

ТОШҚИН ДАВОМ ЭТМОҚДА

Хитойнинг Юннан ва Сичуан вилоятларида бир неча ҳафтадан бери тинимсиз ёғаётган кучли ёғингарчилик сабабли юз бераётган сув тошқинлари натижасида 57 киши қурбон бўлди. Тошқин ҳозиргача юз минг гектардан ортиқ ҳайдаладиган ерларнинг сув остида қолишига, икки миллион кишининг ҳаёти издан чиқишига сабаб бўлди.

ЧЕКИШГА ҚАРШИ ҲАРАКАТ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тамаки маҳсулотлари устидан назорат ўрнатиш бўйича Тартибга солиш конвенцияси устида иш бошлади. Бундан кўзланган мақсад тамаки билан боғлиқ барча масалаларни, маҳсулотларни ишлаб чиқаришдан тортиб, тарғибот ва савдосигача қайта кўриб чиқишдан иборат.

ФОЙДАЛАНИШ УЧУН ҚУЛАЙ

Японияннинг «Качибо» фирмаси мутахассислари тиббиётда ва бошқа соҳаларда қўллаш учун ғоятда ингичка бўлган ип яратдилар. Ипнинг ингичкалиги шу даражадаки, ўргимчак ипи ундан тўрт-беш баравар йўғон.

МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШ НИМА?

Mulohaza

Мустақил фикрлаш инсонгагина хос бўлиб, у комиллик сари интилиш белгисидир.

Масалан, Комил инсон — сўфийлар наздида энг донишманд, тафаккури кенг, ориф шахс ҳисобланади. Ёки эрамиздан аввал яшаб ўтган Демокритнинг «Одамларни жисмоний бақувватлик ҳам, пул ҳам эмас, ҳақгўйлик ва серқирра билимдонлик бахтиёр қилади», деган фикрида ҳам инсоннинг олий мақсади доноликка интилиш эканлигини англатади.

Инсонга хос муаммоларнинг кўпчилигини унинг тафаккурини, фикрлаш тарзини тўғри тарбиялаш орқалигина ҳал этиш мумкин. Дарҳақиқат, инсоннинг мукаммаллашуви, ўзлигини англаши унинг мустақил фикрлашидан бошланади.

Мустақил фикрлаш борлиқни, воқеликни идрок этиш усули сифатида тафаккур жараёнининг маҳсули — олий натижасидир. У фаолият билан боғлиқ бўлиб, мустақил иш жараёнида шаклланади. Нарса ва ҳодисаларнинг мавжудлиги алоқадорликдан иборат, алоқадорлик бузилса, мавжудликда ҳам ўзгариш рўй беришини англаш, исботлаш, тушунтириш, фикрлаш шаклланишининг тадрижий босқичларидир. Фикрлаш инсонга ҳаёт бахш этадиган кучдир. Яъни инсон мустақил фикр ила тирик, фикрсиз инсон эса яратиш ва ўсишга қодир бўлмаган ўлик жуссага айланади. Шу боисдан ҳам Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаб « **...болалар қайси синфдан бошлаб мустақил фикр юрита бошлайди? Умуман, мактабларда болалар мустақил фикр юритишга ўргатиладими? Аминманки, ўргатилмайди...**

Демократик жамиятда болалар, умуман ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмасалар, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар. Албатта билим керак. Аммо билим ўз йўлига. «Мустақил фикрлаш ҳам катта бойликдир» деган эди.

Дарҳақиқат, шундай даврлар бўлдики, у вақтда ўқувчиларни ўқитишда асосий эътибор уларда «билимлар»ни шакллантиришга қаратилди. Ўша вақтларда: «Асосийси ўқувчиларда чуқур ва пухта билимларни ҳосил қилиш» — деган ибора тез-тез эслатиб турилди. Таълимда билимларни таркиб топтиришга ортиқча баҳо беришнинг салбий оқибатлари тез орада ўз таъсирини кўрсатди.

Ўқувчиларга билим бериш билан бир қаторда уларда мустақил фикрлашни тарбиялаш зарурлиги мутлақо равшан бўлиб қолди.

Фикрлашни тарбиялаш муайян моддий, педагогик шароитларни талаб қилади:

— мустақил фикрловчи, **биринчидан,** борлиқни кузатиш, ҳис қилиш, идрок этиш имкониятига эга бўлмоғи зарур, яъни жисмоний, руҳий соғлом бўлмоғи зарур;

— иккинчидан, воқеа-ҳодисалар моҳияти, мазмунини тушуниш салоҳиятига, тарихий, географик, фикрий ва ҳоказо маълумотларга эга бўлмоқ, бундай маълумотлар нафақат маконда, балким бир зумлик замонда ҳам чексиз эканидан, улардан энг зарурларинигина ажратиб олиб (устоз-муаллим ва дарслик воситасида) ўқувчини фикрлатмоқ лозим. Бу ўрта таълим концепциясида унинг мазмунини табақалаш, алоҳидалаш тамойиллари билан изоҳланган;

— учинчидан, борлиқни яхлит ҳолатда, унга алоқадор шарт-шароитлардан ажратмай умумлаштириш, яъни таркиб топган муайян уйғунлик доирасида мушоҳада қилиш, керак.

Фикрлашнинг ибтидоий босқичида бола(субъект)нинг тафаккурлаши конкрет объектларни идрок қилишдан бошланади. Инчунун, болани даставвал табиат билан, яъни ўсимлик ва ҳайвонот олами, чақмоқ, момақалдироқ, ёғинлар, қоронғулик, ёруғлик, зилзила ва ҳоказолар билан таништириш, уларнинг сир-асрорларидан воқиф этиш зарур. Булар сезги аъзоларни пешлаш воситаси, ҳиссиётлар, руҳ, илҳом кабилар манбаидир. Демак, **фикрлашни дафъатан, бевосита табиий нарса ва ҳодисаларни идрок қилишдан бошлаш айни муддао.**

Инсон яратган нарсалар эса аслида табиатда мавжуд нарсаларга тақлидан ясалган, ундан кўчирилган бўлиб, улардаги уйғунлик, мукаммаллик табиат яратганига қиёсан нисбийдир. Бу фикрлаш ҳар қандай ҳолатда муайян ақидага, мафкурага асосланиши шарт. **Шахсий фикрнинг ҳақиқатга нақадар яқин шаклланишида маълумотнинг асослилиги муҳим саналади.** Яъни макон ва замон чексизликларидаги маълумотлардан шахс қанчалар кўп баҳраманд бўлса, унинг мустақил фикри шунчалар ҳақиқатга яқин бўлади.

Тўртинчидан, фикрлашга чорловчи топшириқ ёки маълумот мустақил фикрловчининг салоҳиятига мутаносиб бўлиши зарур.

Шуларни назарда тутиб, шартли равишда оддий, ўрта ва мураккаб даражали мустақил фикрлашга ажратилади. Дарсликлардаги мустақил фикрлашга чорловчи топшириқларнинг аксарияти ўртача ечимни кўзлайди.

(Давоми 3-бетда)

Tadbir

БАҲОНА ЭМАС, ИМКОН ҚИДИРИШ КЕРАК

Яқинда Республика таълим марказида бўлиб ўтган катта бир йиғилиш қатнашчиларининг бутун диққат эътибори бир муҳим масалага қаратилди. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Давлат матбуот Қўмитаси раҳбарлари, вилоятлар ХТБ бошлиғининг 1-муовинлари, нашриётлар директорлари, «Китобсавдо» раҳбарларини баҳамжиҳатликда ҳаракат қилишга ундаган бу юмуш «Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлаш» масаласи бўлди. Дарҳақиқат, янги ўқув йили бошланишига саноқли кунлар қолганда ўқувчиларнинг билим олиши учун сув билан ҳаводек зарур бўлган дарсликлар таъминоти йиғилишда қайта-қайта таъкидланганидек, ҳеч кечиктириб бўлмайдиган вазифадир.

Тўғри, ДМҚ, нашриётлар раҳбарларининг эътирозлари ҳам жиддий. Яъни бу ташкилотларнинг миллионлаб сўм маблағ сарфлаб чиқазган дарсликлари омборларда сотилмай ётибди. Вилоят ХТБлари улардан катта миқдорда қарздор. Бу эса уларни янги дарсликлар нашр қилиш имкониятидан маҳрум қилаяпти. Ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлашга масъул бўлган вилоят ХТБ бошлиғининг 1-муовинлари бу вазифани адо этиш учун елиб-югуришаётган бўлса-да Сирдарё, Бухоро, Хоразм вилоятлари, Қорақалпоғистон республикасида камчиликлар талайгина.

Лекин ҳар не бўлганда ҳам ўқувчилар зарур дарсликлар билан таъминланиши шарт. Бу барча бирдек масъул бўлган, ҳеч қандай баҳона ҳам, айбни бир-бировга тўнкаш ҳам кетмайдиган ва озгина масъулиятсизлик ҳам кечирилмайдиган иш.

Хўш, нима қилиш керак? Йиғилишда бу саволга келинган хулоса шундай бўлди; баҳона эмас, имкон қидириш керак.

Бу имкон айрим юртдошларимизнинг тадбиркорлиги бўлар, сармояларимизнинг сахийлиги бўлар, раҳбарларнинг жонкуярлиги бўлар, балки ота-оналарга бу масаланинг моҳиятини бор бўйича англата билиш бўлар. Лекин шу нарса маълумки «изланган имкон топади».

Рустам БЎРОНОВ

ЯНА ЎҚИТУВЧИ ОБРЎСИ ХУСУСИДА

Do'st achitib gapirar...

Дўстим қишлоғимизда мактаб ўқитувчиси. Мен эса шаҳарда, яна ҳам тўғрироғи, пойтахтда ўқитувчилар газетасида мухбирман. Шунданми, ҳар сафар қишлоққа борганимда биз, албатта, учрашиб, анча гурунглашамиз. Олди-қочди гаплардан бошланган гурунгимиз охир-оқибат таълимга оид баҳслашув билан якун топаверади. Чунки бу ҳақда гаплашиш бизга учун тушунарли, биз учун қизиқарли, биз учун муҳим. Мен марказда рўй бераётган таълим ислоҳотлари янгиликларидан хабар берсам, у мактабимиздаги, билганича қишлоқ мактаблари ҳаётида бўлаётган ўзгаришлардан гапиради. Қисқаси, анча дардлашиб оламиз. Бир гал баҳс мавзуимиз «Ўқитувчининг бугунги обрў-эътибори»га қаратилганда дўстим дабдурустдан: «Баъзи пайтларда ўқитувчилигимдан уялиб кетаман» - деб қолди.

Бундай «беъмани» қарорга келишига нима сабаб бўлгани билан қизиқсам, ҳасратлари бир дунё экан:

— Билсанг эди, бу касбни қанчалар ҳавас билан танлагандим. Ҳозир ҳам ихлосим қайтган деёлмайман. Аслидаку бу касб машақатлари иззатталабликни эмас, фидойиликни талаб этишни ҳам биламан. Лекин шундай бўлса-да одам зотининг феъл-атворида бор эканки, у қилаётган меҳнати билан қадр топгиси келаркан, жиллақурса озгина бўлса ҳам «Қорнига эмас, қадрига йиғлайдиган» халқмиз-да ахир.

Ўзинг ҳам гувоҳсан, ҳатто биз ўқиган даврларда ҳам ўқитувчи ким эди? Эндиликда эса назаримда, биз ўқитувчилар «майда» одамларга айланиб қолаётгандекмиз. Бизнинг «ўқимишли» одам эканлигимизга ота-оналар эмас, ҳатто ўқувчиларимиз ишонмай қўяётгандек. Нимага шундай бўлаяпти? Бу ўзгаришлар боиси нимада?

Дўстимнинг мендан «ақлли» жавоб кутиб берган бу саволларига ўшандаги жавобларимдан у тугул ўзим ҳам қониқмагандим. Шу боисданми, ушбу жумбоқ асрорини ечмоқ учун анча уриндим. Бу саволларни қаноатлантирарли жавоб топиш бир мен учун мушкул бўлса-да, айтишга арзирли баъзи хулосаларимни дўстим билан ўртоқлашгим келди:

— Дўстим, аввало, шуни айтиб қўйишим керакки, кўпчилик сингари «ўқитувчилар маошининг камлигидан шундай бўлаяпти» дея мушкулдан осонгина қутулиб қўя қолишга уриниш мени ҳеч ким қаноатлантира олмайди. Негаки, ҳозирда қўлига тегадиганидан ташқари сизларга берилган бир талай имтиёзларни ҳам пулга чақсак салмоқлигина ойлик даромад келиб чиқади. Ҳозир ҳам қишлоқларда доимий маош олиб ишлаётганларнинг асосий қисми ўқитувчилар. Демак, сабабни фақат моддийликдан излаш тўғри эмас, унинг бошқа томонлари сабаблари ҳам бор экан. Ана ўша бошқа нарсаларнинг мен билган икки жиҳати ҳақида тўхталсам.

Менимча, моҳият аввало, талаб ва унга бўлган жавобда. Яъни замон, қолаверса, маълум бир давлат томонидан ўқитувчи олдига қўйилаётган талабга ўқитувчининг қанчалик мос келишида. Ҳозирда эса айнан шу нуқтадаги мутаносиблик ҳаммада ҳам бирдек эмас. Тараққиёт нуқтаи назаридан шундай бўлиши табиий эди. Чунки бизга маълумки, аср бошларидаги шароит одамларнинг замонавий илмда саводсизлиги туфайли билим бергувчи зот-ўқитувчини кўп жиҳатдан бошқалардан устун қўйиши шаклланиб, уларда «ўқимишли одам» сиймоси мужассамлаштирилган эди. Замонлар ўзгариб кўпчилик билимдон бўлиб кетди. Ҳатто чекка қишлоқларда ҳам энди фақат ўқитувчигина «ўқимишли» одам ҳисобланмай қолди. Буни табиий ҳол, деб қабул қилиш мумкин. Чунки ҳозирги фан-техника ривожланган давримизда кечаги билим билан ҳатто ёш болани ҳам қойил қолдириб бўлмай қолди. Одамлар эса ўрганиб қолишгани учун муаллимларни ўқимишли одам ҳисоблашда, улардан шунга муносиб бўлишни талаб қилишда давом этаяпти. Шунинг учун замон энди ўқитувчидан бошқалардан бир қадам олдинда юришни талаб қилаяпти. Бу эса жуда қийин.

Энди иккинчи сабаб тўғрисида гапирсам, бунга кўпроқ ўқитувчиларнинг ўзларини айбдор ҳисоблашга ҳаққимиз бор. Чунки бир ўқитувчи билан ўқувчи орасида ҳозирда зоҳир бўлган янгича муомала, муносабатдан пайдо бўлди. Демоқчиманки, йиллар давомида устоз-шогирд муносабатларида шаклланган муомилага ҳам ҳозирда бошқачароқ ёндашиш талаб қилинмоқда. Энг ачинарлиси, буни кўпчилик ўқитувчилар билиб-билмай суиистеъмол қилишаяпти. Устоз-шогирд чин маънода дўст эмас, ҳаттоки «улфат» бўлиб олишган. Ҳатто шу даражадаки, улар ўртасида айтилиши керак бўлмаган сирлар ҳам баҳам кўрилади. Ҳатто бирга ўтириб ароқхўрлик қилишдан ҳам тоймайсизлар. Натижада эса муаллим зотида шогирди учун сирли, муқаддас бўлган нарсалар қолмаяпти.

Дўстим, менинг билганларим, ҳозирча шулар.

Рустам БОЙМАТОВ

ЗАМОН ТАЛАБИГА МОС

Бахмал туманидаги Мирзо Улуғбек номидаги 33-ўрта мактаб «Мустақиллик» жамоа хўжалиги ҳудудида жойлашган. Мактабга ташаббускор раҳбар Г. Пардаева етакчилик қилади. Мактаб атрофига ободонлаштириш мақсадида 5000 дан зиёд терак ва мевали дарахт кўчатлари ўтқазилган. Барча фанларга тегишли хоналар техник воситалар, кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган.

Билим масканида ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишларига алоҳида эътибор қаратилган. Яқинда «Мустақиллик» жамоа хўжалигидан 1 гектар ер олинди ва бу ерда спорт майдончаси барпо этилди. Ўқувчилар туман ва вилоят миқёсидаги спорт мусобақаларида қатнашиб, юқори натижаларга эришмоқдалар.

Мактабда ҳар хил мавзуларда кўрик-танловлар, ўқувсеминарлар ва амалий конференциялар ўтказиш одат тусига кириб қолган.

1998-99 ўқув йилига келиб мактабда ўқувчилар сони 1000 нафарга, ўқитувчилар сони 100 нафарга етди. Натижада йирик мактабни бошқариш бир мунча мураккаблашиб қолди. Ана шулар инобатга олиниб, янги мактаб биноси ишга туширилди.

Янги мактаб биносини фойдаланишга топшириш мақсадида директор бошчилигида барча ўқитувчилар қурувчилар билан биргаликда астойдил меҳнат қилдилар. Янги мактаб биноси замон талаби даражасида жиҳозланди. Ҳар бир фан хонаси техник воситалар билан таъминланди ва компьютерлаштирилди. Шу билан биргаликда барча синф хоналари радиолаштирилди.

МУХБИРИМИЗ

Test—Mustaqillik mevasi

АРМОНЛАРИМ УШАЛГАН КУН

Ёдимда. Мен қачон мактабга бораман, дея ҳар куни онажонимни сўроққа тутганим. Илк бора мактаб партасида ўтириб ширин хаёлларга берилганим. Биринчи ўқитувчим — Абдусалом аканинг қўлимизга ручка тутқазиб, ҳарфларни ўргатгани. Сўнгги кўнгироқнинг жарангли овози. Меҳрибон ўқитувчиларимиздан айрилиш қанчалик қийин бўлганлиги...

Мактабимизда бўлиб ўтган айрим воқеаларни қувонч билан эсласам, айрим воқеаларга эътиборсизлик қилганим, юзларига шартта-шартта айта олмаганим учун ўзимни кечира олмайман. Онам ўқишимизни доимо кузатиб, назорат қилиб борар, бу ҳам камлик қилгандай, ҳар ойда мактабга бориб, синф раҳбарларимиздан ҳулқимизни сўраб-суриштириб келарди. Эҳтимол, онажонимиз юзларини ерга қаратмайлик, улар хурсанд бўлсин, деб ҳаммамиз аълога ўқишга ҳаракат қилардик. Онамнинг қизиқувчанлиги туфайли жамоат ишларига ҳам фаол қатнашардик. Гуруч курмаксиз бўлмаганидек, ўқитувчиларимиз орасида ҳам битта-иккита ота-онамизнинг қандай мансабдор шахслигига қараб баҳо қўядиганлари бор эди. Бир йили онам шароит тўғри келмасдан менга мактаб формаси олиб беролмади. Мен ўша йили ўқишда ўқийдиган опамнинг оқ кофта ва қора юбкасини мактабга кийдим. Синф раҳбаримиз Акбар Яҳёевга вазиятимизни тушунтирган эдим, «Синглим, хафа бўлма, энг муҳими, форма эмас, яхши ўқиш. Сен фақат яхши ўқи», дея кўнглимни кўтарди. Физика ўқитувчимиз эса барча саволларига жавоб берсам ҳам «4» қўйди. «Мен ўқувчининг фақат билимига эмас, формасига ҳам қарайман!» дедилар. Наҳотки, билим форма билан ўлчанса. Аввалига жаҳлим чиқди. Ўқимай қўйдим. Сўнгра ўқисам ўзим учунку, дея олдингидан ҳам қаттиқроқ ўқишга берилдим. Ўқишни тугатдик. Орзуларимиз оламча. Кўпчилигимиз пойтахтга қараб учдик. Мен ҳам. Афсуски, ўша йили омад кулиб боқмади. Фақат йиғлардим. «Нимага? Нима учун?» деган саволларга жавоб тополмасдим. Уйга қайтгач, ғалати гап эшитдим. Аммамнинг қизлари «Хонбиби нимага ишониб ўқишга кетди, пули бўлса киради-да! Мана биз хўкизни сотиб пулини укамга бериб юбордик. Укам албатта, киради» дебди. Укаси аранг учга битирганди. Ўша йили пули бор укаси ҳам йиқилиб келди. Мен эса руҳимни туширмадим. Кетма-кет ҳужжатларимни фақат журналистикага топширдим. Тайёрлов бўлимида ҳам ўқидим. Нимагадир фақат охирги имтиҳонлардан йиқилардим. Алам қиларкан. Ҳақиқат бўлиши керак. Барибир, кираман, дердим. Аммо айрим талабаларнинг пул билан кирганини эшитиб, алам қиларди. Бир танишимнинг охиргисида озроқ узатганингда кириб кетардинг, деган гаплари менга ўтиб кетди. Пул билан кирадиган бўлсам, умуман кирмайман, дедим. Ниҳоят тест усули қўлланди. Бу эса орзуларимнинг ушалишига сабаб бўлди. Талаба деган номга мушарраф бўлдим. Тест усули ҳаққоний усул экан. Чунки кўпгина, мен каби оддий деҳқон қизлари ушбу усул орқали ўзларининг севимли ўқишларига киришди. Тест ҳар қандай таниш-билишчиликка, порахўрликка чек қўйди, десам, янглишмайман. Чунки мен ўқиган гуруҳда мен каби йиқилиб-йиқилиб кирганлар кўпчиликни ташкил этарди. Бу йил биз жонажон ва қадрли бўлиб қолган журналистика факультетини тугатдик. Биз ҳақли равишда «Тестнинг илк қалдирғочларимиз» дея оламиз. Шу ўринда мен илк маротаба қадам қўйган Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги 4-ўрта мактабнинг барча ўқитувчиларига, мен йиқилиб қайтганимда ҳам менга руҳан далда берган адабиёт ўқитувчим Абдували акага ўз миннатдорчилигимни билдираман. Барча эришган ютуқларимда ўқитувчиларимнинг ҳиссаси бор, деб ўйлайман.

Хонбиби ҲИММАТ қизи

Yangi o'quv yiliga tayyorgarlik

ҲАММАМИЗНИНГ ИШИМИЗ

Наманган туманидаги барча таълим муассасалари сифатли таъмирланиб, талаб даражасида жиҳозланаётир. Бир сўз билан айтганда янги ўқув йилига тайёргарлик қизғин кечаяпти.

— Бу йил таълим муассасаларини таъмирлаб беришни асосан ота-оналар, ҳомий ташкилотлар ўз зиммаларига олиб, уддасидан муваффақиятли чиқмоқдалар, - деди туман халқ таълими бўлими мудири Тоҳиржон Ҳасанов. — Айниқса, ҳозирги кунда 35 - ўрта мактабда қилинаётган ишлар ибратлидир.

Мавжуд 26 та синф хонаси 3 та зал, 3 та ўқув устахонаси, кутубхона, ошхона, спорт майдончалари ва тажриба участкасида қилинган ишлардан кўнглингиз қувонади. Фарзандларимизнинг ёруғ ва шинам, ўқув жиҳозлари билан тўлиқ таъминланган хоналарда билим олишлари учун ҳамма шарт-шароитлари муҳайё қилинаётир. 1999-2000 ўқув йилида 1 - синфга ўқишга келадиган 180 нафар ўғил-қиз шифокорлар кўригидан ўтказилиб, мактабга тайёрланмоқдалар. Янги ўқув йили учун ҳозирча 10 мингдан ортиқ дарслик ва ўқув қўлланмалари тайёрлаб қўйилди. Ўқитувчилар қайта тайёрловдан ўтказилди. Ҳозирда мазкур мактаб жамоасининг амалга ошираётган ибратли ишларини қўшни туманларнинг маорифчилари, ҳомийлари ҳам кўриб ҳавас қилиб кетишмоқда.

Мактаб директори И.Исматуллаев бугунги бозор иқтисодиёти шароитида шундай ибратли ишнинг қандай уддасидан чиқаётганини қуйидагича изоҳлайди. Авваламбор, ота-оналарга, ҳомийларга масала моҳияти тушунтирилди. Биров бировни мажбур қилмади. Ота-оналар 420 минг сўм, «Ижодкор» ширкат хўжалиги 80 минг сўм, саховатпеша инсон Маматхон Сатторов 30 минг сўм маблағ билан ёрдам бердилар.

Кичик Тошбулоқ қишлоғидаги 23 - ўрта мактабда бўлганимизда эса директор Т.Сиддиқова сифатли қилиб таъмирдан чиқарилган, жиҳозланган синф хоналари, ўқув устахоналарини бизга кўрсатар экан, мактабни таъмирлашда чинакам кўмак берган ҳомийлар, ота-оналар номини жуда катта ҳурмат , фахр билан тилга олди. Ҳақиқатдан ҳам 35 та синф хонаси ҳеч бир муболагасиз замон талаблари асосида жиҳозланибди. Янги ўқув йилида бу ерга яна 108 нафар бола 1-синфга қабул қилинди. Ҳозир жажжи ўқувчилар учун 53 турдаги 7506 та дарслик тайёрлашга ҳаракат қилиняпти.

Бир сўз билан айтганда, таълим муассасаларининг кўпчилиги юқорида таъкидлаганимиздек, ҳомийлар, ота-оналар ёрдамида ҳашар усулида таъмирланди. Айниқса, 21-болалар боғча-яслиси таъмирида 20 дан ортиқ ташкилот вакиллари иштирок этди. Болажон кишилар катта миқдорда турли ўйинчоқларни ҳадя қилдилар. Боғча эндиликда боғча гимназия мақомига эга бўлди. Унинг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари, парламент гуруҳи аъзолари А.Қосимов, Т.Жабборов, Т.Файзуллаев, Ў.Ҳошимов, А.Усмонов, туманимиз ҳокими Р.Исматуллаевлар иштирок этдилар. Улар тарбия маскани жамоасига, олийҳиммат ҳомийларга ўз миннатдорчиликларини билдирдилар.

Умуман мактаб ва боғчаларни, мактабдан ташқари таълим муассасаларини таъмирлаш учун ҳомий ташкилотлар 4697315 сўмлик, юридик шахслар 1375445 сўмлик, оталиқ ташкилотлари 2112555 сўмлик моддий ёрдам кўрсатишди.

Таъмирлаш ишларида туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, «Хонабод» жамоа хўжалиги, «Лола» савдо маркази, туман «Нон» комбинати, «Олвализор» агрофирмаси, Тошбулоқ «Пахтабанк»и, туман автомобил йўллари қуриш ва таъмирлаш бошқармаси, туман капитал қурилиш бўлими, 6-қурилиш-монтаж бошқармаси каби ўнлаб ҳомий ташкилотлар ўзларининг мақтовга арзигулик саховатпешаликларини намоён қилдилар. Таъмирлаш ишларини барвақт якунлашда таълим муассасаларининг бюджетидан ташқари тушумларидан унумли фойдаланишга эришилди. Таълим муассасалари ҳисобидаги мавжуд 40,4 гектар экин майдонларидан жамланган 6797600 сўм маблағ муассасалар амалий фаолияти учун сарфланади.

Умуман олганда, тумандаги таълим муассасаларида янги ўқув йили олдидан жуда катта ҳажмда ишлар амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, 137 нафар ўқитувчи дам олиш уйларида, санаторийларда саломатликларини тиклаб қайтдилар.

Туман ҳокимининг бевосита ташаббуси билан мавжуд таълим муассасаларига 1 гектардан 3 гектаргача буғдойдан бўшаган ерлардан фойдаланиш учун экин майдонлари берилаётир. Ана шу ерлардан олинган даромадлар ўқитувчи ва ўқувчилар моддий ва маънавий шароитини яхшилаш, келгуси ўқув йилида амалга оширилиши лозим бўлган ишларга сарф қилиниши режалаштирилмоқда.

Ҳошимжон ҚОРАБОЕВ,
Юнусали ҚЎЧҚОРОВ

ХУДОЁРНИНГ ТААССУРОТЛАРИ



Худоёр Ортиқов 1978 йил 15 февралда туғилган. Самарқанд вилоятининг Жомбой тумани Низаматов жамоа хўжалигидаги Тўққизбой қишлоғида ўсиб, вояга етган.1992-96 йилларда Самарқанд шаҳридаги ўзбек-турк лицейида ўқиди. Ўша йили Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети талабаси бўлди. Отаси Сиддиқ ака — муҳандис. Онаси Муҳаббат опа — уй бекаси.

* * *

Буларни оддий қишлоқ йигитининг таржимаи ҳолига хос қайдлар деб қабул қилаверишингиз мумкин.Лекин асосий гап бошқа ёқда.

1998 йилда «Умид» жамғармасига ҳужжат топширган Худоёр беш босқичли имтиҳонлардан муваффақиятли ўтди. Халқаро иқтисодий алоқалар ихтисослигини ривожланган давлат Америкада эгаллаш Худоёрнинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаган эди.

Ўтган йилнинг кузи. АҚШнинг Айова штатидаги Вартбург университети молия ихтисослик йўналиши. Гавжум шаҳар, вақти тиғиз одамлар ва уларнинг бир-бирларига нисбатан бепарволиклари. Инглизча шиорлар, афишалар... Бу манзараларнинг барчаси ёш йигитни ҳайратга солар,нотаниш шаҳарга мослашиб олиш уни анчайин ваҳимага солмоқда эди.Гарчанд инглиз тили грамматикасидан хабардор ва сўзлаша олиш қобилиятига эга бўлса-да,дастурларни ўзлаштириб кета олармиканман,деган ўй унинг вужудини чулғаб олганди. Дўстлари Баҳодир Юсупалиев ва Фаррух Тўраевлар ҳам худди шундай кайфиятда эдилар.

Вақт ҳукми нималарни ҳал қилмайди!

Ўзбекистондан борган талабалар Айова штати муҳитига тезда кўникиб кетишди.Университет худди илм дурдоналари «кўмиб» қўйилган кошонага ўхшарди. Бу ерда 20 та давлатдан келган турли миллат талабаларининг билим олиши учун шароит тўлатўкис.

Qutlug' ostona

Компьютер ўз эгаларига мунтазир.Ихтисосликни эгаллаш дастурини талабанинг ўзи тузади. Унинг дарс графигини қай тахлитда тузиши ҳам ўзига ҳавола. Айримлар соат 9 дан, бошқалар, куннинг иккинчи ярмидан.

Профессор-ўқитувчилар ўз ишининг ҳақиқий устаси,талаба дарсда зерикиб, ҳомуза тортиб ўтирмайди. Булар –Худоёрга ёққан жиҳатлар.

«Эркинлик» тушунчасини биз кўпинча ёқлаймиз. Вартбург университетида талабаларнинг дарсда оёқларини чалиштириб ўтиришлари, сигарета чекишлари «айрим йигит-қизларнинг ул-бул еб ўтиришлари ўзбек талабаларига ҳурматсизлик бўлиб туюларди. Ўзбекона урф-одатларимизга кўра, кичикларнинг катталарга ҳурматда бўлиши ҳам қарз, ҳам фарз.

Талабалар ўртасида самимий муносабатнинг йўқлиги, ҳаттоки олган баҳоларини ҳам сир тутишлари Худоёрни энди таажжубга солмай қўйди.

Штатда ҳаво анчайин салқин, тез-тез ёмғир ёғиб турар экан. Таомлар эса кўпинча товуқ гўшти, пицца, гамбургер, хот-дог, ичимликларнинг тури жуда кўп.

Анъанага мувофиқ,ҳар йили 21 мартда халқаро талабалар фестивали ўтказилар экан. Худоёр ўша куни 20 нафар ўзбек талабаларига ош дамлади. Аммо бундан 200 хўранда баҳраманд бўлди.

Хуллас,таассуротлар «қоп-қоп». Худоёр буларни айтиб адо қилолмайди,камина эса ёзиб... Ёзги таътилни ўз юртида ўтказаётган бу йигитнинг кўнглидан нелар кечаётганлиги менга кундек равшан. У киндик қони томган юртига полапон мисол талпинмоқда. Ахир «Ўзга юртда шоҳ бўлгунча, ўз юртингда гадо бўлгин» дерлар. Ватандан азизроқ, Ватандан қудратлироқ туйғу борми аслида?

Юрган дарё,ўтирган бўйра...Назаримда,кўнглимдан нелар кечаётганини Худоёр англади ва шундай деди:

— Опа, Ўзбекистон мустақилликка эришмаганида, мен каби ёшларга Америкада ўқиш қаёқда эди? Бордик, кўрдик, кузатдик, ҳақиқатан ҳам юриб, дарё бўлдик. Лекин битта нарсани англадим. Ҳазрат Навоий таъкидлаганлар: «Олтин қафас ичра гар қизил гул битса,булбулга тикондек ошиён бўлмас эмиш"...

Ватан туйғуси қалбда гупуради... Она юрт руҳини олис маконларда юрагига жо айлаган «Умид»нинг ёшлари чиндан ҳам умидимиздир...

Ҳ. ТЎЙМАНОВА
Суратда Худоёр Ортиқов.
Даврон Аҳмад олган сурат

ОРЗИҚИБ КУТМОҚДАМАН

Янги бир журналнинг нашрдан чиқа бошлаганига ҳам ҳали ҳеч қанча вақт бўлмасада, кимларнингдир севимли нашрига айланиб улгурди. Демоқчи бўлганим мен орзиқиб кутган «Театр» журналининг иккинчи сони ҳам босмадан чиқди. Уни варақлар эканман, унда ўзбек театрининг босиб ўтган йўли, актёрлар маҳорати, режиссура, драматургия ҳақида фикрлар, саҳна безаги, қизиқчилик санъатидан намуналар, санъат соҳасидаги хабарлару янгилик ва эълонлар билан бевосита танишгандек бўлдим. Журнал саҳифаларида қадимий Хоразмнинг илм-фани, санъати, адабиёти, Президентимизнинг санъатимизга кўрсатаётган эътибори, республикамиз театрларида олға қўйилаётган қадамлар батафсил ёритилган. Журналдан ўрин олган халқимизнинг севимли санъаткорларидан Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Саида Раметоваларнинг ижодий фаолияти ҳақидаги лавҳалар барча санъат мухлисларида катта қизиқиш уйғотиши табиий. Кейинги пайтда видеофильмларда ажойиб қаҳрамонларни яратиб, севикли актёрга айланаётган Карим Мирҳодиев билан бўлган суҳбат эса мухлислари билан янада яқинлаштиради. Журнал мазмунини шунингдек, рус актёри Александр Закушняк ҳақидаги тавқимлар, Ўзбекистон халқ артисти Дилбар Исмоилова билан бўлган суҳбатлар ҳам бойитади. Журналда Республика қўғирчоқ театри, «Режуссур» номли илк қўлланма ҳақидаги мулоҳазалар, «Наврўз — 99» театр санъати фестивали ва бу фестивалда совриндор бўлган «Етти фарёд», «Найман она нидоси», «Самарқанднома» спектакларидан намуналар берилган.

Мухтасархон КАРИМОВА

Yangi alifboni o'rganamiz

QUVNOQ VA RANG- BARANG

Rangli suratlar bilan chiqarilgan kitob jurnallar bolajonlar bahri dilini ochadi. Ayniqsa, lotin yozuvida bunday nashrlarning ko'payayotganligi quvonarli. Rasmli bezakli kitobchalardan bir nechtasi jonkuyar muallif Qumri Abdullayeva ijodining mahsulidir.



Mazkur qo'llanmaning 1-sinf o'quvchilariga xatsavod o'rgatish davri uchun nihoyatda zarurligini hisobga olib, «O'qituvchi» nashriyoti sifatli qog'ozni tanlagan. Bezaklar ham rangli, chiroyli. Bunday qo'llanmalar hanuzgacha qo'lda yasalib, o'quvchilarga ko'rsatilar edi. Bugungi kunda esa maktablarimiz uchun nimaiki zarur bo'lsa, Xalq ta'limi vazirligi boshqosh va rahnamo.

Bizningcha, «Rasmli alifbo» 1-sinf o'quvchilarining qo'lidan tushmaydi.

Bu kitobcha ham qiziqarli. Bunda bolaning qo'lini yozishga o'rgatish maqsad qilib olingan. To'g'ri, to'lqinsimon, dumaloq, yarim doira, to'rtburchak, egri-bugri, uchburchak, halqasimon shakllar orqali biz harflarning yozma ko'rininshini hosil qilamiz.

Kitobcha bolalarga yoqib tushishi aniq. Suratlar zavq bersa, shakllar orqali u yozishni mashq qiladi.



Qo'llanma maktabgacha yoshdagi bolalar va boshlang'ich sinf o'quvchilari uchun juda mos. Mualliflar Qumri Abdullayeva va Sitoraxon Rahmonbekova bu kitobcha ustida anchagina izlanishgan. Har bir harf va tovushga doir bir necha rasmlar tavsiya etishgan. Bolalar rasmlarining nomini aytish orqali o'rganayotgan yangi tovush va harfni oson o'zlashtirib olishadi, o'sha narsa haqidagi tasavvuri kengayadi.

Qo'llanmaning yana bir xususiyati shundan iboratki, bolalarning og'zaki nutqi o'sib, lug'at boyligi oshadi.

Xuddi shu nomdagi qo'llanma «Sharq» nashriyot-matbaa konserni mahsulotidir. Unda jami 224 ta rasm mavjud. Harflarning bosma va yozma shakllari bir necha predmetlar orqali tanishtiriladi. Ularning soz boshida, o'rtasida va oxirida kelishiga misollar mo'l-kol.

Dastlab ish qurollari, so'ng idish-tovoq namunalari, hayvon, parrandalar, jihoz va o'simliklar surati aks ettirilishi bilan birga ularning bosh harfi va harf unsurlari ko'rsatilgan. Bola ana shi unsurlar ustidan qalam yurgizib, yozishni mashq qiladi.

* * *

Kitobchalarning nashrdan chiqqanini quvonch bilan e'tirof etamiz. Buning uchun mualliflarga, «O'qituvchi» nashriyoti hamda «Sharq» nashriyot-matbaa konserni ma'murayatiga har qancha minnatdorchilik bildirsak oz. Tag'in bir istagimiz shulki, bunday quvnoq qo'llanmalar katta adadda chop etilsa, bugungi avlod barkamolligini ta'minlashga beqiyos hissa qo'shilgan bo'lardi

H.TO'YMANOVA

Oltin meros

ҲАДИСЛАР САБОҒИ

Фарзанд тарбияси ҳақида не-не мутафаккирлар ўз даврларида турлича фикрларни баён этганлар. Чунончи, Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" (Саодатга элтувчи билим"), Саъдийнинг "Гулистон" ва "Бўстон", Рабғузийнинг "Қиссаси Рабғузий", Алишер Навоийнинг "Маҳбуб ул-қулуб" ("Кўнгилларнинг севгани") ва ниҳоят, Кайковуснинг "Қобуснома" асарларида фарзанд тарбиясидаги қийинчилик ва муаммоларни ечиш ҳақида жуда ибратли гаплар ёзиб қолдирилган. Бу асарлар ҳозирги кунда ҳам ўз маънавий қийматини йўқотганича йўқ. Шуни айтиш жоизки, юқоридаги ахлоқий-тарбиявий асарларнинг асосини "Қуръони Карим" суралари, Муҳаммад Расулуллоҳ фаолияти ва кўрсатмаларини ифодаловчи ҳадислар, ҳикматли ҳикоялар ташкил қилади.

Ҳадис - Ислом дини таълимоти бўйича Қуръондан кейин турадиган иккинчи муқаддас манба бўлиб, пайғамбаримизнинг ҳаёти ва фаолияти, шунингдек, унинг диний ва ахлоқий кўрсатмаларини ўз ичига олади. Ҳадислар ислом дини аҳкомлари, яъни фарз, вожиб, суннат, мустаҳаб, ҳалол, ҳаром, макруҳ кабилардан ташқари, тарбия, ахлоқ-одоб, ўзаро дўстона муносабатлар, қариндош, ота-она ва фарзандларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, меҳр-оқибат, ҳалоллик, поклик, адолат, инсоф - тавфиқни тарғиб қилади. Айни пайтда разолат, кибр-ҳаво, адоват, ҳасад, хиёнат, ёлғончилик, фитна-фасод, зулм каби иллатларга нисбатан нафрат туйғулари ҳам бу манбада ўз ифодасини топган. Пайғамбаримиз Муҳаммад (С.А.В) айтадиларки, **"Тангридан қўрқинглар ва фарзандларингизга бир хил меҳрда бўлинглар" (Уларга кийим ва таомларни баробар тақсимланглар).** Албатта, бу ҳадис бизнинг қулоғимизга эриш туюлса ҳам, биз билиб- билмай фарзандлардан бирини ортиқроқ, бирини эса, камроқ кўришимизни билдириб қўйишимиз мумкин. Бу эса фарзандларнинг бир-бирига бўлган меҳр-оқибатига жуда қаттиқ зарба бериши мумкин.

Пайғамбаримиз айтадилар: **"Мўминнинг ўлимидан сўнг ҳам (унинг фойдасига ёзилиб турадиган амаллар: тарқатган илми, қобил фарзанди, мерос қолдирган Қуръони, қурган масжиди, меҳмонхонаси, чиқарган суви) соғлик ва ҳаётлик пайтида қилган садақасидир"**. Бу гаплар орасидаги "қобил фарзанд" сўзи бежиз айтилмаган албатта. Ҳар бир инсон бу дунёда яшар экан, у ўз ишларининг давомчиси, яъни фарзандини қолдириб кетади. Лекин буни одамлар қанчалик эъзозлаб, авайлаб, уни дунёга келтирган кишисига миннатдорчилик билдиришлари эса, фарзандларнинг чиройли ва бенуқсон тарбияланганлигига боғлиқдир.

Пайғамбаримиз фарзанд тарбиясига тўхталиб шундай дейдилар: **Болаларингизни сузишга ва ўқ отишга ўргатинглар. Қиз фарзандларингиз тикиш-бичиш ишлари билан шуғулланганни яхши. Агар ота-она бирданига чақириб қолишса, аввал онага жавоб қил".** Юқоридаги ҳадисдан ҳам кўриниб турибдики, фарзанд тарбияси ниҳоятда қийин масала. Биз фарзандларимизни фақатгина ўқитиб, илм олишга эътибор қаратибгина қолмай, балки жисмоний тарбия машқлари билан ҳам шуғуллантириб туришимиз лозим. Зеро, ўғил ва қиз фарзанд ўртасидаги тарбияда ҳам тафовут бор. Юқоридаги ҳадисдан хулоса шуки, ўғил фарзанднинг тарбиясига нисбатан қиз фарзанднинг тарбияси бирмунча оғир ва мураккабдир. Зеро, "Аёл бир қўлида бешикни тебратса, бир қўлида дунёни тебратади". Дунё ва бешикни оқиллик билан тебратувчи аёлни тарбиялаш эса ота-оналарнинг мураккаб бурчидир. Юқоридаги фикримизда давом этиб, Пайғамбаримизнинг қуйидаги ҳадисларини келтиришимиз мумкин. Расулуллоҳ айтадилар: **Кимки уч қиз фарзандни ўстириб, тарбиялаб, вояга етказиб, муносиб жойларга узатса, унинг мукофоти жаннатдир".** Бизнинг қиз фарзанд тарбияси ҳақидаги мунозарали тортишувимизга Пайғамбаримизнинг бу сўзлари хотима қўяди. **"Ёмон улфатдан яккалик яхши, яккаликдан яхши улфат яхши, жим ўтиргандан фойдали гап яхши, бефойда гапдан сукут яхши"** деб уқтиради. Юқоридаги ҳадисга риоя қилган фарзанд ўз ота-онасининг юзини ҳеч қачон ерга қаратмайди. Зеро, Пайғамбаримиз айтадилар: **"Ишни пухта ва чиройли бажарувчи одамни Тангри дўст тутади".**

Деярли 15 асрдан бери кўпчилик мусулмонларнинг ахлоқий-маънавий дунёсини мустаҳкамлаб келаётган ҳадисларнинг аҳамияти фарзанд тарбиясида беқиёсдир. Зеро, ўзбеклар иймонда баркамол, эътиқодда кучли халқдир. Уларнинг мусулмончилик одатларини гўзал кўринишларда адо этишлари ҳамма вақтларда эътироф қилинган. Бинобарин, Қуръони Карим ва ҳадислардан тарбия мақсадларида фойдаланиш ҳеч қачон панд бермайди.

Азизжон РИЗАЕВ,
Тошкент Давлат шарқшунослик институти филология факультети 4-курс талабаси

МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШ НИМА?

(Боши 1-бетда)

Алоҳида истеъдодли ўқувчилар учун эса илмий башорат қила олишдек мураккаб даражали фикрлаш меъёр сифатида давлат таълим стандартига киритилган.

Бешинчидан, алоқадорликни кенг қамровдан излаш. Яъни воқеа, нарсани у билан алоқадор макон ва замондан айирмаслик. Акс ҳолда борлиқни-воқеликни идрок этиш ва унга хос ҳукм чиқариш қийин кечади, алоқадорликни англаш мураккаблашади. Баъзида чигал ёки хато тушунча, тасаввур таркиб топиши ҳам мумкин. Борлиқни идрок қилишнинг, жумладан, фикрлашни тарбиялашнинг шу жиҳатлари тобора таълим мазмунини интеграциялашни тақозо қилмоқда.

Олтинчидан, ўрганилаётган (бажарилаётган) масалага ҳис-ҳаяжон қўзғовчи шароит яратиш. Бу фикрлашга рағбатни оширади. Фикрий зўриқишдан сақлайди. Фикрлашга мойиллик ҳиссиётли шахсларда балқиб турсада, ҳиссиёт ақл назоратидан чиқмаслиги шарт. Акс ҳолда фикрий хато содир бўлиши мумкин.

Ушбу талабларга риоя қилиниб фикрланганда шаклланган қараш, ғоя ёки хулоса кабилар жамиятда қарор топган мафкурағояларга қиёсан баҳоланади.

Мустақил фикрлаш, тафаккур жараёнига хос муайян қоидаларга асосланса-да, лекин у ҳар бир шахсда ўзгача алоқадорлик заминида шаклланади. Чунончи, мустақил фикрлаш тезлиги билан шахснинг ҳақиқатни англаш, ифодалаш фазилатларини меъёрлаб бўлмайди.

80-йиллар эди чамаси, географиядан Республика олимпиадасида совринли бир ўринга бир хил балли икки даъвогар пайдо бўлди: совринли ўрин фақат битта, шу боис қўшимча савол-жавоб орқали ягона ғолибни аниқлашга киришилиб **«инсоният тараққиётида географик муҳитнинг ўрни»** сўралди. **«География муҳитнинг инсоният тараққиётидаги ўрнини, —** дея гап бошлади ўқувчи, — **инсоният нега бошқа сайёраларда эмас, айнан бизнинг «ер»да пайдо бўлганини мушоҳада қилиб билса ҳам бўлади. Ишончим комилки, бошқа сайёрада одам бўлса-да, улар бизларга ўхшамайди. Биз сингари кийинмайди ҳам, овқатланмайди ҳам ва ҳатто фикрлашда ҳам ўхшамайди. Чунки улар буткул ўзгача географик муҳит маҳсулидирлар, демакки, инсоният қаерда бўлмасин географик муҳит маҳсули ва муҳитга кўп томонлама боғлиқликда ривожланади»,** деди.

Олимпиада ўтказувчи ҳайъатнинг баъзи аъзолари географик муҳит ролини ошириб юборди, дея ўқувчини совринга муносиб кўришмади. Аммо унинг мураккаб даражадаги кенг кўламли фикрлашидан кўпчиликнинг мамнунлиги совринли ўрин беришга асос бўлди.

Шахснинг фикрлаш қобилияти туғма бўлиши мумкинлигига шубҳа қолмаган бўлсада, унинг сифати минтақаларо, халқлараро фарқланиши устида фикрлар билдирилмоқда, изланишлар кетмоқда. Яқинда «миллий характер ва уни тарбиялаш» масалаларига бағишланган анжуманда психология фанлари доктори, профессор Ботир Қодиров тўпланганлар эътиборини тафаккурлашда ҳудудий тафовут бўлишини илғаганига қаратди. Олимнинг таъкидлашича, қашқадарёлик ўқувчиларнинг тафаккур қилиш сифати билан фарғоналик ўқувчиларни тафаккур қилиш сифатида сезиларли фарқ мавжуд экан.

Тафаккур сифатидаги тафовут фикрлашда ҳам акс этиши мумкин. Бу ҳолатни бир ёқлама изоҳлаб, уни таълим-тарбиядаги тафовут натижасига тақаши ҳам мумкин. Эҳтимол, кўплар шундай тушунган ҳамдир.

Бизнингча, тафаккур қилишдаги тафовутда социал ва биологик омиллар қатори географик омил(муҳит)нинг ҳам роли бор.

Башарият тараққиётида социал омиллар билан географик омилларни ўрни масаласида азалдан баҳслашаётган файласуфлар мени кечирсинлар. Мен асло уларга ҳакамлик қилмоқчи эмасман. Бироқ башарият буюк даҳоларининг аксарияти сайёрамизнинг осмони мусаффо, фасллари серқуёш ва табиат унсурлари мукаммал жойларидан ҳисобланмиш – минтақамиздан етишиб чиққани тасодиф эмас.

Муҳитнинг макон ва замон ўлчамлари қаърига теран разм солинса, юқоридаги фикрнинг тўғрилигига қаноат ҳосил қилса бўлади. Ахир, коинотни кузатиш, унинг сирларини аниқлашга доир ишларда ҳатто фан ва техника юксак тараққий этган ҳозирги кунда ҳам осмони мусаффо ҳудуд асқотмоқда-ку! Бас, шундай экан, неча асрлар бурун ўтган Ал-Фарғоний, Улуғбек сингари коинот илмининг билимдонлари учун ўлкамизнинг мусаффо осмони имкон ва илҳом бермадимикин?

Серқирра ижод соҳиби, психолог олим Эргаш Ғозиев хулосасига кўра, географик ва социал омилларнинг давомли таъсирида руҳий-ахлоқий, ҳатто тафаккурлаши ўзига хос авлодлар вужудга келади. Ўз навбатида улардан фикрлаш тарзи бўйича фарқланадиган миллатлар шаклланиши мумкин.

Дарҳақиқат, узоқ давом этган мустамлакачилик оқибатида руҳиятимизга меъёридан ортиқ итоаткорлик, мутелик, журъатсизлик каби салбий хислатлар сингиб қолди. Буларнинг касри фикрлаш жараёнида ҳам кузатилади.

Мустақил фикрлашга ўргатиш зарурати, қолаверса, мустақилликни мустаҳкамлаш эҳтиёжини кўзлаб, халқ руҳига сингиб қолган мутеълик, журъатсизлик каби иллатларни тугатиш, шунингдек, серандишалик, катталарга кўр-кўрона итоат қилиш, ўта сабр-тоқатлилик каби фазилатларни халқлар демократик меъёрлар билан мувозанатлашга интилмоқ лозим.

Мустақиллик шарофати ила макро муҳит ўзгарди. Натижада эркинлик, Ватан, миллат, давлат олдида масъуллик, маънавиятга интилиш, шахсий фикрга эга бўлиш сингари бобокалонларимиздан ўтиб келаётган фазилатлар қайта жунбушга кела бошлади. Бу ҳолатни таълим-тарбияга бевосита алоқадор муассасалар, шахслар ҳисобга олиб, тарбияланувчига бўлган муносабатни ўзгартиришлари лозим. Ҳар бир киши нотаниш воқелик қаршисида дафъатан ҳайратланса ва кўп ҳолларда янглишса ажабланмаслик керак. Ўқувчи кўпчилик фикрига зид фикрни кўпроқ. Дарҳақиқат, Ўзбекистон умумтаълим мактаби концепцияси «ўқувчи хато қилишга ҳақли» дея огоҳлантиради.

Мустақил фикрлайдиган ўқувчи шундай сифатга эга бўлмаган синфдошидан фарқли ўлароқ барча нарсани билишга қизиқади, таълим жараёнидан завқланади. Мустақил фикрлашнинг усул ва йўлларини эгаллаганда ўқув материалини тез идрок этади, пухта ўзлаштиради. Дарс машғулоти билан қаноатланмай қолади. Синфдошининг фикрлашга ҳалал бўрувчи ножўя хатти-ҳаракатларидан ранжийди. Айни вақтда фикрлашга ўрганмаган ўқувчи фикрлайдиган синфдоши олдида ожизлигидан ийманади, изтироб чекади, турли салоҳиятдаги ўқувчилардан ташкил топган гуруҳда ишлашдан эса ўқитувчи тез толиқади. Шундай ҳолатлар эса синф ўқувчиларининг тайёргарлик даражаси, қобилиятига қараб гуруҳлашни тақозо қилади.

Хуллас, таълим тарбияда **кескин тафовут мавжуд ўқувчилар гуруҳини тафаккурлаш даражаси бўйича қайта гуруҳлаш мустақил фикрлашга ўргатишда ижобий роль ўйнайди. Бундай гуруҳлаш ҳар бир ўқувчи манфаатига мос тушади. Демакки, жамият наф кўради. Эркин фикрлашнинг шаклланишида ўқитувчидан кейин дарслик муҳим рол ўйнайди.** Аммо дидактик ишлов берилмай, академик тилда ёзилиб қаппайтирилган дарсликлар пайдо бўлаётгани ташвишланарлидир. Шу билан бирга дарслик мустақил фикрлашга чорловчи дидактик сигментларга бой бўлгани ҳолда ўқитувчининг методик тайёргарлиги ночорлиги боис ундан тўла фойдаланилмаётир. Бундай ҳолат сабабини таълим тизимига кадрлар тайёрлаб бераётган муассасалар фаолиятидан ахтармоқ жоиз.

Ҳар қандай дарслик асосан фактологик маълумот ва турли ном, атама ҳамда терминлар(номенклатура)дан иборат бўлади. Таълимдан бош мақсад буларни билиш, ўзлаштиришдангина иборат эмас. Аслида улар ўқувчи онги, шуурида барпо этилажак фикрий бинонинг «хомашёлари» ёки «ҳавоза»ларидир.

Демак, фактологик маълумотлар муайян тушунча, қонун, жараён сингари илмий категорияларни тушуниб, ўзлаштириб олинишида бино тикланишида фойдаланилган «ҳавоза», тимсол яна ҳам тўғрироғи «хомашё» каби фойдаланилади.

Бинобарин, тушунча қонуниятларни ўзлаштириб, эгаллаб олиш билангина таълимдан кўзланган мақсадга эришилди деб бўлмайди. Чунки улар ҳам хомашё тимсол ўқувчи онгида муайян фикр, ғоя, таълимий кўникма ва малакалар таркиб топишига пировард натижада инсоний фазилатларга бой шахс яралишига хизмат қилади. Демак, таълим жараёнининг пировард мақсади — мустақил фикрлаш ва маънавиятдир.

Юқоридагилардан мустақил фикрлашни тарбиялаш ниҳоятда масъулиятли иш, шунингдек, мураккаб ва қийин кечувчи жараёнлигини англаш мумкин. Аммо у ўқувчининг ёши ва маълумот даражасидан қатъи назар тадрижий бажарилиши зарур ишдир.

Фаёз МУСАЕВ,
Т.Н. Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институт бўлим мудири, педагогика фанлари номзоди

МЕҲРДА ИНСОНПАРВАРЛИК МУЖАССАМ

Бир гуруҳ оммавий ахборот воситалари ходимлари Бўстонлиқ туманининг Оқтош ҳудудидаги "Алоқачи" оромгоҳида ўтказилаётган тадбирда қатнашиш учун йўлга чиққанларида, инсон меҳри, меҳр сеҳри каби тушунчаларнинг ҳаётбахш қувватини кўрамиз, деб ўйламаган бўлса, ажабмас. Бу масканда илк бор Республика таълим маркази ҳамда "Оперейшн Мерси" халқаро ташкилоти ҳамкорлигида ногирон ва соғлом болаларнинг умумий ёзги интеграцион оромгоҳи ташкил этилди. Тошкент шаҳри ва турли вилоятлардан таклиф этилган болаларнинг 10 кун давомида олган таассуротлари ҳам ҳаяжонга тўла. Негаки, соғлом болаларнинг ривожланишида нуқсони бўлган (кўзи ожиз, эшитмайдиган, нутқи ривожланмаган) болалар билан бирга машғулотларда қатнашиши, дам олиши, овқатланишларининг ўзи ноанъанавий ҳолат эди. Айрим соғлом болалар ҳаётда шундай болалар ҳам борлигини тасаввур ҳам қилмаганликларини билдирса, бошқалари улар ҳам қувноқ болалик гаштини суришга ҳақли эканлигини эътироф этарди. Ушбу интеграционал оромгоҳга жалб қилинган республикамизнинг ихтисослашган мутахассислари билан АҚШ, Англия, Германия, Швеция, Ҳиндистон ва Ямайка давлатларидан келган соҳа ходимлари муштарак мақсад — инсонлар ўртасидаги меҳру - мурувватни кучайтириш ва инсонпарвар бўлиш йўлида ҳамкорликда иш олиб бордилар.

— Оромгоҳда ўтган ҳар бир кунни юксак инсоний туйғулар билан номладик. Кунлик фаолиятимизни ҳам шу асосда ташкиллаштирдик. Биринчи кунимиз "Дўстлик", иккинчиси "Меҳр" ва ҳоказо. Ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг соғлом болалар қатори машғулотларга киришиши уларнинг ўзлари учун ҳам қизиқарли бўлди. Айниқса, ногирон болалар атрофдагилардан чексиз меҳр ва садоқат ҳиссини туйиб, улардек бўлишга интилишлари ҳар бирида янги имкон қирраларини намоён этди, - деди биз билан суҳбатда "Оперейшн Марси" Халқаро ташкилоти вакили Андреа Вогт.

Оромгоҳнинг ёпилиш маросимига бағишлаб тайёрланган концерт дастурида барча болаларнинг биргаликдаги чиқишлари, ижролари бу борада олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар меваси, меҳрнинг маҳсули бўлиб туюлди бизга.

Тадбирда РТМ директори Г.Алимова, ХТВ вакили Б.Қучқоровлар иштирок этдилар.

МУХБИРИМИЗ





Тошкент ўрмон мелиоратив техникумига янги ўқув йилида кундузги бўлимга 200 нафар, сиртқи бўлимга 30 нафар талабалар қабул қилиш мўлжалланган. Бу йил 630 дан зиёд абитуриентлардан ҳужжат қабул қилинди. Айни кунларда ўқув масканида ўқувчилар синовларга тайёргарлик кўришмоқда.

Суратларда: она тили ўқитувчиси Р.Абдуреимова абитуриентлар билан машғулот ўтказаётир.

Д.АҲМАД олган суратлар.

ОЛЬГАНИНГ ЭРТАКЛАРИ

Яқинда бир гуруҳ ёш оналар билан суҳбатда бўлиб, танлаган касби ўзига жуда ярашиб тушган бир мураббия ҳақида гаплашиб қолдик. Ольга Девятова хушбичим гавдали, истараси иссиқ, чаққон аёл. Унинг ҳар бир ҳаракати ўзига ярашиб туради. О. Девятова таваллуд топган ва ҳозирда ҳам жон-дили билан меҳнат қилиб келаётган Ўзбекистонни "ўз она-юртим" деб билади. Шу юрт равнақи йўлида куйиб-пишади.

Ольга Владимировна 1985 йили Тошкент вилояти педагогика билим юрти мактабгача таълим бўлимини тамомлаб, А. Икромов туманидаги 178-ясли-боғчада тарбиячи бўлиб ишлаб келмоқда. Салкам ўн беш йиллик иш тажрибасига эга бўлган мазкур тарбиячи ўз билим ва маҳоратини замон билан ҳамнафас тарзда олиб бораётир. Ширинтойларнинг ҳар хил инжиқликлари, тўполонлари ҳам бу тиниб-тинчимас аёлни бир озгина бўлса-да асабийлаштира олмайди. Чунки мураббия ҳар бир тарбияланувчисини ўз фарзандим деб қабул қилади ва айни дамда бу меҳри дарё аёлни ҳам болалар онажонларидан кам кўришмайди.

О. Девятова шундай бир маҳоратга эгаки, сўзлаб берадиган эртак, ҳикоялар, ёд олдирадиган шеърлари дилбандлар қалбидан осонгина жой олади.

О. Девятова иш тажрибаларини ёш тарбиячилардан аямайди. Нодира Исҳоқова, Дилноза Турсунхўжаева, Санобар Сайфутдинова, Муҳаббат Нурматова каби шогирдларига мурғаклар қалбига нозиклик билан йўл топиш сирларини ўргатади. Фарзандлари оғзидан тушмайдиган бу тарбиячидан ота-оналар ҳам беҳад мамнун.

Гулжамол ТЎЙЧИЕВА

Maktabgacha ta'lim

ХУСУСИЙ БОҒЧАНИНГ ИЛК ҚАЛДИРҒОЧЛАРИ

Мустақиллик шарофати туфайли республикамизда мактабгача таълим муассасаларининг янги бир тури пайдо бўлди. У масъулияти чекланган жамият-хусусий болалар боғчасидир. Мухбиримиз пойтахтнинг Юнусобод туманидаги 415-«Дўмбоқча» болалар боғчасида бўлиб, боғча мудираси Дилшод Нусратовадан хусусий боғчанинг ташкил этилиши, фаолияти ва ундаги таълим-тарбия жараёни ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Хусусий боғча очиш ғояси 1994 йилда пайдо бўлиб, унинг асосий ташаббускорлари 415-болалар боғчасининг жамоа аъзоларидир. 1997 йилда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да давлат тасарруфида бўлмаган болалар муассасаларини ташкил этиш тўғрисидаги банди асосида хусусий боғча очишга астойдил киришдик.

Дастлаб 1998 йилнинг бошида экспериментал тарзда хусусий боғча очиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига мурожаат қилдик. Таклифимиз маъқуллангач, ҳужжатларни расмийлаштиришга киришдик. Болалар боғчасининг Низоми ишлаб чиқилди. Республика мулк қўмитаси билан муассислик шартномаси, номланиши ҳақида гувоҳнома, рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги туман ҳокимияти қарори, рўйхатдан ўтишга ордер, корхонанинг ҳисоб анкетаси, солиқ қўмитаси назоратида турганлик сингари ҳужжатлар тайёрланди. 1998 йил 1 августдан бошлаб эксперимент тарзда хусусий болалар боғчаси очишга рухсат берилди. Бу борада Тошкент шаҳар ҳокимияти ва ТШХТББ бизни қўллаб-қувватлаганлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Хусусий боғча очиш учун маблағ тўплаш мақсадида дастлаб, ота-оналарнинг илтимосларига кўра, шанба ва якшанба кунлари болаларга қўшимча хизмат кўрсатишни ташкил этдик. Ҳаваскор болажонларимиз «Тез тиббий ёрдам» станцияси, Марказий офицерлар уйи ва бошқа корхоналарда ранг-баранг концертлар қўйишиб, ўз истеъдодларини намойиш этдилар. Улардан тушган маблағ боғчани таъмирлаш, хом ашё олиш, концелярия маҳсулотлари харид қилишга сарфланди. Болалар маскани туғилган кун тантаналари ўтказиш учун ижарага берилди. Шунингдек, қўл меҳнати орқали ясалган маҳсулотлар сотилиб, зарур бўлган материаллар олинди. Олти гуруҳли боғчанинг барча жиҳозларини туман халқ таълими бўлими олиб қўйди. Фақат бино қолди. Биз ишимизни фақат оддийдан бошладик. Барча харажатлар - маиший хизмат кўрсатиш, ижара ҳақи ва солиқларни боғча жамоаси тўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг «Давлатга қарашли бўлмаган мактабгача болалар муассасалари тармоғини ташкил этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ энди маиший хизмат кўрсатишга 50 фоиз ҳақ тўлаймиз. Ижара ҳақидан уч йилгача қутулдик. Биринчи йил эса бир йўла 5 миллион 400 минг сўм тўлаган эдик. Энди ташкил этиладиган хусусий боғчалари, аввалги мавжуд барча жиҳозлари билан хусусийлаштирилади.

Хусусий боғчамиз 120 ўринли бўлиб, учта гуруҳда 32 нафар – 2-3 ёшдаги болалар кичик, 3 - 4,5 ёшдагилар ўрта, 5 - 6 -7 ёшдаги кичкинтойлар тайёрлов гуруҳларида тарбияланмоқда. Боғча олти кунлик бўлиб, соат 8 дан 20 гача ишлайди. Масканда Туркия, Эрон, Грузия, Покистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси ходимларининг фарзандлари таълим-тарбия олаётир.

Боғча тўлов пули давлат тасарруфидаги муассасаларга нисбатан юқорироқ.

Болалар беш маҳал овқатланадилар. Озиқ-овқат маҳсулотларини танлаб харид қиламиз. Имкон қадар таомноманинг ранг-баранг бўлишига ҳаракат қилмоқдамиз. Тошкент шаҳар ҳокимияти савдо департаменти рухсатномаси билан «Бешёғоч», «Носир», дўконлари ва Олой ҳамда Миробод бозорларида пул ўтказиш йўли билан маҳсулотларни олаяпмиз. Бу нисбатан арзон тушмоқда. Қишда ишлатиладиган сабзавотларни ҳам етарли миқдорда ғамлаймиз. Уйда нимаики пиширилса, мева ва сабзавотлардан консервация қилинса, боғчада ҳам худди шундай амалга оширилаётир.

Жажжи кичкинтойлар билан ўтказиладиган машғулот дастурини нисбатан кенгайтирдик. Ўзбек, рус ва инглиз тиллари, иқтисод, компьютер сабоқлари шулар жумласидандир. Булардан ташқари болаларни театр санъати билан таништирамиз. Ўзимизнинг телестудиямиз бор. Тарбиячилар ёрдамида ширинтойлар Ботаника боғи, ҳайвонот боғи учун ўйингоҳлар ясайдилар. Шунингдек, «Мери Поппинскда меҳмонда» хореографик, «Қувноқ нотолар» мусиқали, «Тошбақа нинзалари» соғломлаштириш мажмуаси, опера, тасвирий санъат сингари студиялар мавжуд. Машғулотлар мужассам тарзда ўйин орқали олиб борилаётир. Шиоримиз — болажонларни эркин фикрлаш ва қизиқишга ўргатиш. Мария Монтессори методи асосидаги иккита ўйинчоқлар жамламаси бор. Олий тоифали тарбиячилар Тамара Лукина, Елена Лошинина, Дилдора Аҳмедовалар турли миллат фарзандларининг беғубор қалбларига нозиклик билан йўл топмоқдалар. Психолог ва логопедлар ҳар бир болани назорат қилиб борадилар, зарур бўлган ёрдамни кўрсатадилар.

Болажонлар гулшанидаги фитобарда турли хил гиёҳлардан шифобахш ичимликлар тайёрланади. Даволаш гимнастикаси, массаж, кварц, тубус, қишки ва ёзги сузиш ҳавзаси каби тиббий хизмат турлари мавжуд.

Боғчада уч ойда бир марта ота-оналар кенгаши ўтказилади. Унда педагогларимиз амалга оширган тадбирлар юзасидан ҳисобот берадилар. Галдаги вазифалар, мактабгача таълимнинг янги иш услублари ҳақида ота-оналар билан кенгашиб оладилар.

Жорий йилда хусусий боғчанинг дастлабки қалдирғочларидан 6 нафари Ташқи ишлар вазирлигига қарашли мактабда билим оладилар. У ерда кичкинтойларимиз инглиз тили билан шуғулланишади.

Тайёрлов гуруҳи болалари 100 гача санаш, бир минутда 70 - 75 та сўзни ўқиш, унли ва ундош товушларни ажрата биладилар. Инглиз ва лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида эркин ўқиш ва ёзишни ўзлаштирганлар.

Навбатдаги режамиз гуруҳларни кенгайтириш, боғчани туну кун ишлайдиган соғломлаштириш марказига айлантириш ва келажакда «боғча-мактаб» комплексини ташкил этишдан иборат.

Суҳбатдош:
Дилбар ХЎЖАЕВА

БЕБОШЛИК ЭЪТИБОРСИЗЛИКДАН

Бухоро шаҳар Ф. Хўжаев тумани прокуроринг ёрдамчиси, адлия катта маслаҳатчиси Қуддус Мамедов билан суҳбат

O'smir va qonun

— Қуддус ака, йигирма йилдан ортиқ қонун номидан иш кўрган ҳуқуқшунос, ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиган ота сифатида ёшларнинг жиноят йўлига кириб кетаётганига нима сабаб деб ўйлайсиз?

— Сиз бераётган савол жамиятимизнинг энг оғриқли нуқталаридан бири, десам муболаға бўлмаса керак. Оиладаги болалар дунёқарашининг тор бўлиб қолаётганлиги, маънавий дунёсининг қашшоқлигига биз катталар негадир, бефарқмиз. Албатта, менинг бу фикрим барчага тааллуқли демоқчи эмасман. Ҳуқуқшунос бўлганим учун шу нарсани кўп кузатганманки, айрим ота-оналар «Бола азиз, тарбияси ундан азиз» деган мақолни унутишган кўринади. Модомики, сўз бола тарбияси, ёшлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар ҳақида борар экан, мени безовта қиладиган, шарқона турмуш тарзимизга ёт бўлган нохуш бир ҳолат хусусида тўхталмоқчиман. Бу иллат, тўй-маъракаларда ота-оналар олдида фарзандларнинг қадаҳ уриштириб ичишлари ва чекишларидир. Яна бир қусур турли хил видео ва кинофильмлар орқали намойиш этилаётган айрим сценарийларнинг салбий таъсиридир.

Президентимиз, республика ҳукумати саъй-ҳаракати билан мамлакатимизда тинчлик, хотиржамлик, осойишталик барқарор бўлиб тургани кишини қувонтиради. Айни пайтда Юртбошимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асарида қайд этилганидек, хотиржамликка беришмаслигимиз керак. Энг муҳими, ёшларимиз ҳуқуқий саводхонлигини оширишимиз лозим.

Сир эмаски, Тошкентда 16 февраль куни юз берган, мудҳиш ҳодиса, Президентимиз тимсолида мамлакатимиз мустақиллигига қилинган тажовуз, қўпорувчилик ҳаракатларининг иштирокчилари ҳам ёшлардир. Шу боис ҳам ёвузлик юз берганига 5 ойдан ошган бўлсада, унинг алами, даҳшати, акс-садоси ҳали-ҳануз юракларни ларзага солиб турибди.

Масаланинг яна бир муҳим томони шундаки, биз мураккаб ҳудудда яшаяпмиз. Модомики шундай экан, Афғонистон, Эрон, Тожикистонда бораётган қирғинработ хунрезликларни эътибордан соқит қилмаслигимиз зарур. Зеро, бир заминда яшаб тақдиримизни тинчлик йўлига маҳкам боғлаган эканмиз, кўни-қўшниларимиз тинчлиги ҳақида ҳам қайғурамиз. Чунки «Қўшнинг тинч-сен тинч» деган нақл бор. Тинчлик биз учун муқаддасдир. Ўзбекистоннинг осуда ҳаётини ҳар бир фуқаро, айниқса, ёшларимиз қадрламоғи даркор...

— Қуддус ака, Сиз юқорида халқимизнинг ҳуқуқий саводхонлигини, маданий онгини оширишимиз лозим дедингиз. Айтингчи, бу борада Сиз бошлиқ ҳуқуқ-тартибот органи ходимлари қандай тадбирлар устида иш олиб бормоқдалар?

— Юқорида таъкидлаганимдек, биргина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар эмас, бугун ҳар бир киши қонун устуворлиги учун курашувчи ва унинг тарғиботчиси бўлиши керак. Қонунларни ҳурмат қилиш, унга бўйсуниш ҳаммамизнинг ва ҳар биримизнинг Конституцион фуқаролик бурчимиздир. Содир қилинаётган ҳуқуқбузарлик, жиноятлар ва бошқа қонунбузарлик ҳолатлари қонунни билмасликдан келиб чиқаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 29 майдаги «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий Дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳуқуқий билимларни кенг омма орасида тарғиб қилишда алоҳида аҳамият касб этади. Туман прокуратураси бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда бу борада тегишли ишларни олиб бормоқдалар. Масалан; туман прокуратураси ҳудуддаги 40 та йирик корхоналар, ҳиссадорлик жамиятларида, 32 та маҳалла ва 2 та қишлоқ фуқаролари йиғинлари ҳудудларида фуқароларни қабул қилишни ташкил қилганмиз. Бу иш тасдиқланган режа ва жадвал асосида олиб борилади. Фақатгина шу йилнинг 5 ойи мобайнида бу маҳалла, қишлоқ фуқаролари йиғинларида, корхона ва ташкилотларда 506 фуқаро қабулга келган бўлса, уларга ўз мурожаатномалари юзасидан қонунлар бўйича тушунтириш берилган, айрим муаммоларни ечишда қонун талаблари асосида ёрдам берилган.

Айрим ҳолларда ёшлар томонидан ҳар хил ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир қилинганидан кейин унинг сабабларини ахтаришга тушамиз. Аслида оила, маҳалла, мактаб жамоаси жиноятнинг олдини олишлари, бу борада ёшлар ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб боришлари лозимлигини бир дам ҳам унутмаслик лозим. Ўзибўларчиликлар оқибатида фақатгина 1999 йилнинг 5 ойи давомида ёшлар томонидан 13 та жиноят содир қилинганлигини, 296 ўсмир ички ишлар бўлимларига келтирилганлигини ва 31 нафари профилактик ҳисобга қўйилганлиги ачинарли ҳол. Ахир, ёшларнинг бўш вақтларида нима иш билан шуғулланишлари, кимлар билан қаерда мулоқотда бўлишлари, нима иш билан шуғулланиб юришларини даставвал шу ёшларнинг ота-оналари, қолаверса, маҳалла, мактаб педагогика жамоалари назаридан тушмаслиги лозим-ку?

Ота-она, мактаб педагогик жамоаси, қолаверса, маҳалла фуқаролари йиғини назаридан четда қолган Бухоро шаҳар А. Набиев кўчаси 2-бурилиш 50-уйда истиқомат қилувчи, ҳеч қаерда ишламасдан юрган, муқаддам судланган 1979 йилда туғилган Намозов Жобир ўз атрофига ўзига ўхшаш ота-оналар эътиборидан четда қолган Музаффаров Раҳмат, Умаров Шуҳрат, Жумаев Баҳром, Қурбонов Жамшид, Намозов Собирни йиғиб, шаҳарнинг Файзиобод кўчасида истиқомат қилувчи фуқаро А. Хаитовнинг уйидан унга тегишли бўлган қиймати 10 минг сўм турадиган велосипедини яширин равишда ўғирлаб кетганлар. Ушбу гуруҳ фуқаро К.Шариповга тегишли бўлган хусусий савдо дўкони деворини тешиб, у ердан 157 минг сўмлик мол- мулкларни, фуқаро А. Жумаевга тегишли бўлган савдо дўконидан 60 минг сўмликка яқин маҳсулотларни ўғирлаган ва бошқа бир қанча жиноятларни содир қилганлар. Албатта бу ёшлар содир қилган ғайри қонуний ҳаракатлари учун қонун олдида жавоб берганлар. Лекин яна ўринли бир савол туғилиши табиий-да. Уларнинг келажагига нега бефарқ қаралиб бу йўлга кириб кетишларига имкон яратилди. Бунинг учун ким жавоб беради...?!

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

Рашид АСЛОНОВ

ДИЁРАНИНГ "ҲАВО ШАРИ" ДУНЁ КЕЗАДИ

(Боши 1-бетда)

Халқаро олимпия совринига эса марказнинг 12 ўқувчиси сазовор бўлди. Бундай муваффақиятларимизнинг саноғи кўп, албатта. Чунки ишимизнинг олға силжишида мутахассис кадрларнинг ҳам жуда катта ўрни бор деб биламан. Ўз ишини билган масъулиятли ходимлар, айниқса, академиклардан Алишер Мирзаев, Рўзи Чориев, Шаҳноза Мўминова, Ортиқ Файзулаевларнинг холисона меҳнатлари туфайли марказнинг олиб бораётган ишлари янада кўзга кўринмоқда. Энди бугунги кунда жуда катта муваффақиятлар соҳиби бўлаётган Диёра Ҳасановага келсак, бола 4 ёшидан бизга тахсил олишга келган. Унинг истеъдоди келган пайтданоқ сезилган. Устози Ҳикмат Жалиловнинг ҳаракатлари туфайли боладаги интилиш ва қобилият бўй кўрсата бошлади. Диёра то шу кунга қадар анчагина ғалабаларни қўлга киритди. Масалан, 1995 йилда Ҳиндистонда «Шанкар-95» халқаро тасвирий санъат фестивали бўлиб ўтди. Унда Диёранинг биринчи ижодий иши ижобий баҳоланди. Швейцариянинг Лозана шаҳрида бўлган «Олимпиада ўйинлари болалар нигоҳида» танловида иштирок этиб, Халқаро миллий олимпия қўмитасининг президенти Хуан Антонио Самаранч жаноблари имзоси билан сертификат ва махсус соврин олишга муваффақ бўлди. Мисрда ўтказилган экологияни ҳимоялашга оид танловда ҳам иштирок этишга муваффақ бўлди. 1999 йил 26 мартда Тошкент шаҳрида ўтказилган «Болалар санъати – 2000» кўригида Диёра Ҳасанова энг олий ўрин – Гран-при олишга мушарраф бўлиб, Американинг Вашингтон шаҳрида бўладиган «Болалар санъати – 2000» халқаро фестивалида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Унда ҳам дунё харитасининг «Океан» қисмини чизиб, фестивал қатнашчиларининг назарига тушди. У чизган «Ҳаво шари» асари фестивалнинг эмблемаси сифатида қабул қилиниб, 49 мамлакатдан қатнашган иштирокчиларга тарқатилди. Бу, албатта, ўзбекистонлик ёш истеъдод соҳиби учун жуда катта муваффақият. Бизда Диёра сингари ёш рассомчилик ва бошқа санъат турига қизиқувчилар сони жуда кўп. Биз ўзимиздаги бор имкониятларни ишга солиб бундай истеъдодларни кўплаб тарбиялаб бораверамиз. 8 ёшли Диёра Ҳасанова кичик ёшлигиданоқ Республикамиз байроғини дунё узра баланд кўтараётгани ҳар бир инсон хавасини келтиради. Лекин унинг замирида машаққатли меҳнатлар ётгани табиий. Аввало, Диёранинг муваффақиятини унинг истеъдодидан десак, уни йўлга солган ота-онасию Республика болалар бадиий ижодиёти марказининг заҳматкаш устозларидан деб биламиз. Истеъдодни рўёбга чиқариш, оила ва устозлар тарбияси ва назоратига боғлиқдир.

Жажжигина Диёрага эса, бир сўз билан «Оқ йўл сенга, Диёра", деймиз.

Гўзалхон РАҲМОНОВА

Яқинда Тошкентда ногирон болалар чизган суратлар асосида «Рангларда жилоланган дунё» деб номланган танлов бўлиб ўтди. Еш иқтидор эгалари қаламига мансуб асарлар бу ерга йиғилганларни бефарқ қолдирмади.
Суратда: танловдан лавҳа акс этган.

А. РИСҚИЕВ (ЎзА) олган сурат

Xullas...

БИЛИБ БОСИЛГАН ТИКАН

Тюмень вилоятида аср вабоси — СПИД билан оғриган ота-онанинг фарзанди дунёга келди. Бу шундай болаларнинг тўртинчиси. Мутахассисларнинг фикрича, боланинг умри узоқ эмас.

Йил бошидан бери вилоятда 1,5 минг киши СПИД билан касалланган 400 бемор билан муомалада булганлиги қайд қилинган. Сургут аҳолисининг тенг ярми узлари билиб-билмай ўлимга олиб келувчи дардни юқтиришган... Уларнинг аксарияти гиёҳвандлар булиб, маишатбозликни хуш кўрувчилардир.

Боши деворга урилган беморлар афсусда: «Билмайин босдим тиканни, тортадирман жабрини» шундай дейиш тўғримикан? Эҳтимол, билиб босилган тикан десак, ҳақиқатга яқинроқ бўлар...

ГЎЁКИ ЖОНЛИ ДЕЙСИЗ

Қўғирчоқ жонсиз нарса ва бор-йўғи овунчоқ. Лекин Оренбург вилоятидаги музейлардан бирида сақланаётган қўғирчоқни кўрсангиз, гўёки жони бор дейсиз. Бундан 130 йил муқаддам Францияда ясалган бу экспонатнинг номи Клэр. Унинг юзи чиннидан, кўзи биллурдан, сочлари эса одамникидан ясалган.

Номаълум қизчанинг қўғирчоққа ёзган мактуби француз тилида бўлиб, бошдан-оёқ меҳр-муҳаббат билан йўғрилган. Қизча Клэрни ўзи билан олиб кетиш фикрида эди. Бола-да... Аммо бунга мутлақо рухсат йўқ. Чунки бундай ажойиб экспонатдан минглаб мухлислар баҳраманд бўлиши керак...

ВАРАҚА ИШ БЕРМАДИ

Кишинёвда, президент қарорғоҳига икки қадам қолган жойда варақа топиб олинди. «Муаллиф» қурилиш бригадаси номидан агар раҳбарият у билан «ҳисоблашмаса», йирик корхонанинг цехларидан бирини портлатиб юборишини айтиб, пуписа қилган. Шарт ҳам чакана эмас: 20 минг доллар.

Оператив хизмат бўлими ходимлари кўрсатилган манзилни синчковлик билан текшириб чиқишди: ҳеч қандай белги топишмади.

«Ҳазилкаш» ўша корхонада қачонлардир ишлаб кетган пенсионер К. бўлиб чиқди. Афтидан, чол қўлга тушаман деб ўйламаган эди. Энди эса...

ПОМИДОР МУСИҚА ШАЙДОСИ

Германияда чиқадиган «Пильдам зонтаг» ҳафтаномасида хабар қилинишича, помидор етиштириш билан шуғулланувчи ширкат унинг рок мусиқасини ниҳоятда «севишини» эътироф этди.

Кўй чалинганда, помидор тебранади ва кўпроқ ҳосил тугади. Помидордан мўл-кўл ҳосил оламан десангиз, қарс-бадабанг мусиқа қўйинг, экан-да.

ana shunaqa gaplar...

Sport maydonchasi

БРАЗИЛИЯ ЯНА ЕНГИЛДИ

Футбол бўйича «ЖЧ - 98» финалида мезбон францияликлардан қақшатқич мағлубиятга учраган Бразилия терма жамоаси ўзларининг ҳамон дунёнинг биринчи «футбол державаси» эканлигини исботлашга имкон қидирарди. Яқинда буни исботлашга йўл очган «Конференция кубоги» финалигача зафарли етиб келган Пеле юртдошлари ҳал қилувчи баҳсда яна майдон эгаларига, бу сафар мексикаликларга 4:3 ҳисобида имкониятни бой берди.

МАЛИКАЛАР БАҲСИ

Қозон шаҳрида россиялик Алиса Галянова ва хитойлик Се Цзюн шахмат бўйича аёллар ўртасида жаҳон чемпионини аниқлаш учун «бош уриштиряпти». Якунланган олти ўйиндан сўнг ҳозирча ҳисоб 2,3: 2,3.б

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ОЛИМПИАДАСИ

III Марказий Осиё ўйинлари шу йилнинг 1-7 октябрь кунлари Қирғизистон пойтахти Бишкек шаҳрида бўлиб ўтади. «Кичик олимпиада» дея баҳоланаётган бу мусобақада муваффақиятли иштирок этиш учун юртдошларимиз ҳозирданоқ тайёргарликка зўр беришяпти.

ЎЙИНЛАРНИНГ ҚИЗИҒИ ЭНДИ БЎЛАДИ

Ёзги таътилни ниҳоясига етказишган 1-табақа футбол жамоалари ҳам Ўзбекистон YIII чемпионатининг 2-давра ўйинларини бошлаб юборишди. Барчага маълумки, юлибу-мағлублар айнан шу босқичда маълум бўлади.

ОФК НИНГ «ХАРХАШАСИ»

Осиё футбол конфедерацияси агар ФИФА «ЖИ — 2002» финалига қитъа учун 5 ўрин ажратишмаса чемпионатни «бойкот» қилишмоқчи эканлигини эълон қилди. Европа учун 14,5 ўрин ажратилгани ҳолда, мусобақа мезбонлари бўла туриб, ОФКга жами 4,5 ўрин берилишини улар Осиёни камситиш дея қабул қилишди.

ИЧКИ ИШЛАР ХОДИМИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Биринчи синфда ўқиётганимизда ўқитувчимиз дастлабки кунлариёқ катта бўлсак, ким бўлишимизни сўради. Ўғил болаларнинг ярми шофёр, ярми милиционер бўлишларини айтишди.

Йиллар ўтгач, танлаган касбларимиз тез-тез ўзгариб турган, бугун эса ҳеч қайсимиз шофёр ҳам, милиция ходими ҳам бўлмаган эсакда, ўша 18 йил олдинги хотиралар ёдимда қолган. Нега? Нега кўпчилик ички ишлар ходими бўлишни истаган эди? Мурғак болалар нега ўқитувчи, шифокор ёки журналист бўлишни эмас, милиционер бўлишни орзу қилган эдилар? Бошқа касблар ҳақида билишмаган ёки эшитишмаган эдими?

7-8 яшар бола оилада ва кўча-куйда бўлиб ўттан гап-сўзлардан тез таъсирланувчан бўлади. Оталаримиз, акаларимиз, одамларнинг «милиция — куч, орган — куч» деган гаплари оқибатидир бу орзулар? Нима бўлгандаям, бу — самимий кўнгилларнинг самимий орзулари эди.

Ички ишларда ишлашга интилишнинг бир сабаби уларнинг жамиятдаги мавқеи эди ва ҳозир ҳам паст эмас. Бироқ, ҳамма ҳам милиционер бўла оладими ёки ички ишлар ходими қандай бўлиши керак?

Тан олиш керак, кейинги пайтларда халқ орасида милицияга ишонч бирмунча сусайган эди. Уларни ҳурмат қилиш самимиятдан кўра ҳадикка мойил туйғу билан боғлиқ бўлиб, бу ички ишлар ходимларининг фуқароларга бўлган муносабати «маҳсули» бўлган эди. Бу эса маълум маънода ички ишлар идоралари билан халқ орасида ўтиш қийин бўлган тўсиқни юзага келтирди. Бу тўсиқни ўзларининг ҳаракатлари билан юзага келтирган ички ишлар ходимлари яна ўз саъйи-ҳаракатлари билан йўқотишга интилмоқдалар. Соҳа билан боғлиқ ислоҳотлар, милиция ходимларининг халқ билан юзма-юз мулоқотлари сўзимизга исбот бўла олади. Яқинда чоп этилган «Хизмат маданияти ва маънавий қиёфа» рисоласи ҳам ушбу истак йўлидаги бир қадамдир.

Румий ҳазратлари «Ичиндаги ичинда» асарида келтиришича, яратилган махлуқот уч турлидир: малаклар, одамлар, ҳайвонлар. Малаклар – фақат ақлдан иборат бўлиб, улар турли катта-кичик гуноҳлардан форигдирлар. Ҳайвонлар — фақат нафсдан иборат бўлиб, ейишичиш, кўпайишнигина биладилар, холос. Одамга эса ҳам нафс, ҳам ақл берилган бўлиб, унинг ҳайвонотдан устунлиги ақли, ақли асосидаги маънавияти орқалидир. Маънавиятга маърифат билан эришилади. Маърифатли бўлиш учун эса тинмай ўқиш, ўрганиш керак. Ушбу рисола маънавиятли, маърифатли ва маданиятли бўлишни истаган ҳар бир инсон, жумладан, ички ишлар ходимлари учун ўз вақтида яратилган қўлланма бўлиб қолади. Зеро, китобчадаги сўзбошида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири ўринбосари, ички хизмат полковниги Ш.Мавлянов айтганидек, «ички ишлар идоралари ходими ҳам аввало инсон. Шунинг учун унда инсоний хислатларнинг уйғунлиги билан биргаликда у хизмат бурчини бажараётганда сира лоқайдликка йўл қўймаслиги лозим. Сабаби у ҳамманинг кўз ўнгида ҳокимият вакили сифатида иш олиб боради. Шунда ўзининг ҳар томонлама саводли эканини, ҳуқуқий, касбий, чин инсонийлик маданиятини кўрсата олсагина қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажариб, элу юрт орасида обрў-эътибор топади, камолотга эришади».

Ҳ. НИШОНОВ

СЕРЗАВҚ, КЎНГИЛЛИ

Жиззах вилоят ички ишлар бошқармасига қарашли Ёрулла Норбеков номидаги болалар оромгоҳи Зомин шаҳарчасидан унчалик олисда эмас. Хушманзара, баҳаво табиат қучоғидаги бу маскан болаларнинг шодон қийқириқлари билан тулиб-тошган. Иккинчи босқичда дам олаётганлар 100 нафар. Уларнинг оромгоҳ қучоғида кечаётган вақтлари кўнгилли ва завқли ўтиши учун оромгоҳ бошлиғи Бердиёр Уролов раҳбарлигида барча тарбиячилару ходимларнинг жонлари ҳалак.

Бош ошпаз Исмоил Раҳимов болаларга ширин ва мазали таомлар тортиқ этаётган булса, бош тарбиячи Холқўзи Мусурмонов аниқ режа асосида турли хил кунгилочар тадбирлар ўтказишга бош-қош бўлаётир. Айниқса, яқинда гуруҳлараро бўлиб ўтган «Санъатим-садоқатим» кўрик-танлови кўпчиликда катта таассурот қолдирди.

Спорт тарбиячиси Александр Кроисга болалар аллақачон меҳр қўйишиб, унинг ўтказаётган спорт мусобақаларидан баҳраманд бўлишаяпти. Унинг ташаббуси билан гуруҳлараро, лагерларарo спорт мусобақалари ўтказилмоқда.

Оромгоҳда сузиш бассейни, душхона, спорт майдонлари, кутубхона, уқув зали, кино зали, ошхона, дам олиш жойлари болалар хизматида.

— Оромгоҳни мавсумга тайёрлаш пухта ўтказилгани ишимизни жонлантирмоқда, — дейди оромгоҳ бошлиғи Б. Уролов, — Зарбдор, Мирзачўл, Фориш туманлари ички ишлар бўлимлари ҳомийлик қилишиб, оромгоҳдаги болаларнинг сабзавот, ҳўл мевага бўлган эҳтиёжини қондиришаяпти. Улардан миннатдормиз.

Оромгоҳда болаларнинг ҳар бир куни ана шундай серзавқ ва кўнгилли ўтмоқда.

Абдуманнап АЗИМОВ, журналист

ЭЪЛОН

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети қошидаги Республика иқтисодиёт лицейи 9-синфни муваффақиятли якунлаган ўқувчиларни ўқишга

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Талабаликка қабул қилиш математика, чет тили, она тили фанларидан тест синовлари асосида ўтказилади.

Қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

— маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;
— Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома;
— яшаш жойидан маълумотнома;
— 086-У шаклдаги тиббий маълумотнома;
— Шаҳар (туман) халқ таълими бўлими қошидаги Ташхис Марказининг тавсияномаси;
— 3х4 ҳажмдаги 6 дона фотосурат;
Ўқиш муддати — 3 йил.

Манзилимиз: Тошкент – 700063
Олмазор кўчаси, 183-уй.
Тел: 132-63-61, 45-57-44

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.

Газетани IBM компьютерида Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.
Навбатчилар: Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-0641. Тиражи 24.190.
Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вакти - 20.00.
Топширилди 22.30